

БАНАН АХБОР-РЕЙТИНГ МАМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 25 (528)

2006 йил 7 июн

ИЖОБИЙ ДИНАМИКА КУЗАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги «Ахбор-Рейтинг» Банклараро рейтинг компанияси томонидан республика тижорат банклари фаолиятининг 2006 йил 1-чораги яқунлари бўйича ўтказилган рейтинг натижалари

Тижорат банклари фаолиятининг 2006 йил 1-чорак яқунлари бўйича ўтказилган рейтингда 22 та банк иштирок этди. Рейтингда иштирок этган банкларнинг якуний рейтинг кўрсаткичи ўртача 33,66 балли ташкил қилди (2005 йилнинг худди шу даврида ушбу қиймат 30,03 балдан иборат бўлган эди). Бунда банклар рейтинг таркибий қисми бўлган ҳар уч кўрсаткичнинг, жумладан, кўламлилиқ, ишончлилиқ ва рентабеллик кўрсаткичларининг ўсиши кузатилмоқда. Кўламлилиқ кўрсаткичининг ўртача қиймати 2005 йилнинг биринчи чорагидаги 7,05 балдан 2006 йилнинг биринчи чораги яқунлари бўйича 10,24 балга ўсди. Ушбу кўрсаткичнинг ижобий динамикаси умумий банк активларининг ўсиши ва даромадларнинг ижобий динамикаси сабаб бўлди. Таҳлил қилинаётган даврда рейтингда иштирок этган банкларнинг умумий активлари 35,6 фоизга ўсди. Банклар активларининг асосий қисми кредит қўйилмалари ва ликвид маблағлардан иборат бўлиб, улар биргаликда активларнинг 85 фоиздан ортиқроғини ташкил қилмоқда. Кредит қўйилмалари (соф қолдик) таҳлил қилинаётган давр мобайнида 29 фоизга ўсди. Банкларнинг ликвид маблағлари (нақд пул қолдиқлари, Марказий банкдаги маблағлар ва бошқа банклар-

даги маблағлар) 52 фоизга ортди. Банкларнинг умумий даромади ўтган даврда 26,7 фоизга кўтарилди. Банк даромадларининг ярмидан кўпи, яъни 50,2 фоизи фоизсиз даромадлар, шу жумладан, комиссия даромадлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадларга тўғри келмоқда. Бунга асосан фоизсиз даромадларнинг (46,2 фоиз) фоизли даромадларга (11,7 фоиз) нисбатан юқори суръатлар билан ўсиши сабаб бўлди. Фоизсиз даромадлар таркибида хорижий валюта операцияларидан олинган даромадлар (102,2 фоиз) ва комиссия даромадлар (41,4 фоиз) айниқса юқори суръатлар билан ўсиши кузатилди. Фоизлардан олинган даромадлар 11,7 фоизга ошди. Ушбу даромадларнинг нисбатан паст суръатларда ўсишига банклардаги фоиз ставкаларининг пасайиши сабаб бўлди. Ссуда ва лизинг операцияларидан олинган даромадлар фоизли даромадларнинг асосий манбаи ҳисобланиб, уларга умумий фоизлардан олинган даромадларнинг 68,8 фоизи тўғри келмоқда. Ўтган даврда бошқа банкларга жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизли даромадлар ҳам юқори суръатларда ўсди (62 фоиз).

(Давоми 16-бетда).

БУ СОНДА:

2

Ўзбекистоннинг кредит уюшмалари: ривожланиш истиқболлари

3

Микрокредитлаш тартибдаги ўзгартишлар

14

Аудит натижалари: «Туронбанк» АТБ

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 6 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	919,23
1 Англия фунт стерлинги	2301,98
1 Дания кронаси	212,11
1 БАА дирҳами	332,90
1 АҚШ доллари	1222,05
1 Миср фунти	212,53
1 Исландия кронаси	17,20
1 Канада доллари	1110,85
1 Хитой юани	152,38
1 Кувейт динори	4227,23
1 Россия рубли	45,45
1 Украина гривнаси	241,99
100 Ливан фунти	81,42
1 Малайзия ринггити	336,37
1 Норвегия кронаси	203,55
1 Польша злотийси	401,92
1 Сингапур доллари	776,89
1 СДР	1819,53
1 Туркия лираси	760,45
1 Швеция кронаси	171,56
1 Швейцария франки	1013,90
1 ЕВРО	1581,70
10 Жанубий Корея вони	12,96
10 Япония иенаси	109,55

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

“Ипак йўли” акциядорлик инновация тижорат банки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш мақсадида кўпгина этиборга молик ишларни олиб бормоқда. Хусусан, шу йилнинг май ойидан бошлаб банк юридик шахслар ҳамда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўзининг корпоратив пластик карточкаларини муомалага чиқарди.

Эндиликда, “Ипак йўли” банкнинг миқозидан бўлган ҳар қандай юридик шахс мақомидаги субъект ушбу карточкалар орқали ишлаб чиқариш ва хизмат сифари билан боғлиқ харажатларни амалга ошириши ҳамда автомобилларига ёнилғи ва корхоналарига маҳсус жиҳозларни сотиб олиши мумкин.

Ушбу тизимни муваффақиятли йўлга қўйишида биз худудий филиалларимизни ҳам жалб қилмоқдамиз, - дейди банкнинг пластик карточкалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Равшан Умаров. - Бунга мисол қилиб “Ипак йўли” банкнинг Са-

марқанд ва Навоий шаҳар филиалларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Мазкур филиаллар шу йилнинг 1 июлига қадар уч хил лойиҳа, яъни банкнинг барча хўжалиқ юритувчи субъектлари учун “Иш ҳақи” лойиҳаси, юридик мақомдаги миқозларнинг фойдаланиши учун корпоратив пластик карточкалар эмиссияси ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш амалиётлари доирасида ҳар бири 1000 тадан электрон карточкаларни муомалага чиқаришни белгиланган олган. Ушбу сўм карточкаларидан миқозларнинг ҳеч бир муаммосиз фой-

даланишлари учун эса, филиаллар белгиланган жойларга 20 тадан савдо ва банк терминалларини ўрнатишни кўзда тутган.

Бугунги кунгача жами 10 минг дона пластик карточкаларни муомалага чиқарган “Ипак йўли” банкнинг Тошкент шаҳридаги савдо нуқталари ҳамда машиий хизмат кўрсатиш шохобчаларига жойлаштирилган терминаллари сони жами 137 тани ташкил этади. Ушбу воқеалар орқали амалга оширилган операциялар миқдори жорий йилнинг 1 июн ҳолатига жами 584,89 млн. сўмни ташкил қилади, қолдиқ сумма эса, 78,1 млн. сўмдир.

Мазкур кўрсаткичларни янада ошириш, қолаверса ушбу хизмат турини тобора кенгайтириб бориш мақсадида “Ипак йўли” банки қатъий режа ишлаб чиққан. Унга кўра, банк шу йилнинг 1 июлидан бошлаб яна 5000 дона пластик карточкаларни эмиссия қилишни ҳамда кредит карточкаларни жорий этишни кўзда тутмоқда.

Гулшан ЮСУПОВА.

ЗАМОНАВИЙ ТўЛОВ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, аҳоли ўртасида чакана савдо, коммунал тўловлар ва бошқа тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш жараёни жадал ривожланишига қулай замин яратди. Нақд пулсиз тўловларни амалга оширишнинг қулайликлари ҳақидаги тушунтириш ишлари ўз натижасини берган ҳолда пластик карточкаларни жорий этиш ва ривожлантириш сиёсати бугунги кунда деярли барча банклар стратегиясининг асосига айланиб қолди.

Жумладан, “Хамкорбанк” акциядорлик-тижорат банки муомалага чиқарган карточкаларидан банк миқозлари ойлик маошларини олишда, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида тўловларни амалга оширишда фойдаланмоқдалар. Айни вақтда миқозлар қўлида 9400 га яқин карточкалар мавжуд. Банк бўйича 80 та терминал аҳолига хизмат кўрсатиб кел-

моқда. Жами терминалларнинг 63 таси савдо шохобчаларига, шулардан 51 таси Андижон вилоятидаги савдо нуқталарига тўғри келади. Бундан ташқари, Андижон темир йўл вокзали, UNITEL уяли алоқа компанияси, “Элита” меҳмонхонаси ҳамда LG магазини каби йирик хизмат кўрсатиш жойларида тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда.

- Йил охирига бориб яна 80 та терминал ўрнатиб, қўшимча 10 мингта карточкаларни муомалага чиқаришни режалаштирганмиз, - дейди банкнинг пластик карточкалар билан ишлаш сектори мудири Сергей Раззаков.

Пластик карточкаларнинг қулайлиги ва самарадорлигини миқозларнинг ўзлари ҳам ҳис этмоқдалар. Шу боис, жорий йилнинг 2-ярим йиллиги бошларидан банкнинг Фарғона, Марғилон, Қўқон, Қувасой, Шаҳрихон, Наманган, Олмалиқ ҳамда Бухоро филиалларида ҳам пластик карточкалардан фойдаланишга ўтилади.

Лайло АЗИЗОВА.



АҚШ доллари ва евронинг ваколатан банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 6 июн ҳолатига ўзбек сўмга нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1223,38	1228,00	1582,00	1602,00
“Асака” банки	1223,05	1228,00	1583,00	1589,00
“Ўзасаноатқурилишбанк”и	1223,24	1228,07	1583,00	1593,00
“Пахта Банк”	1223,00	1227,00	1582,00	1588,00
“Халқ банк”и	1223,00	1228,00	1582,00	1598,00
“Ипотекабанк”	1223,00	1228,00	1582,00	1590,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1223,00	1224,00	1576,00	1583,00
“ЎзДЭУбанк”	1223,00	1235,00	1582,00	1597,00
“Фаллабанк”	1223,00	1228,00	1582,00	1592,00
“Трастбанк” АББ	1224,24	1225,13	1582,00	1602,00
“Алп Жамол банк”	1223,00	1228,00	1582,00	1590,00
“Алоқабанк”	1223,00	1227,00	1582,00	1606,00
“У-Т банк”	1225,00	1228,00	1582,00	1602,00
“Туронбанк”	1223,00	1228,00	1585,00	1595,00
“Савдогарбанк”	1223,00	1228,00	1577,76	1590,59
“Ипак йўли” банки	1223,00	1228,00	1582,93	1589,40
“Тадбиркорбанк”	1223,00	1228,00	1583,00	1589,00
“Туркистон” банк	1223,00	1225,00	1550,00	1570,00
“Даврбанк”	1223,00	1228,00	1585,00	1600,00
“Кредит-Стандарт” банки	1223,00	1228,00	1582,00	1604,00
“Капитал банк”	1223,00	1228,00	1581,80	1605,00
“Содерат банк”	1223,00	1228,00	1558,00	1578,00
“Хамкор” банк	1223,00	1225,00	1578,00	1598,00
“Универсалбанк”	1223,00	1228,00	1582,00	1589,00
“Парвинабанк”	1223,00	1225,00	1583,00	1587,00

Кредитлар бозори

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кун сайин ҳаётимизга янги-янги тушунчалар кириб келмоқда. Бу тушунчаларнинг мураккаблик даражаси эса иқтисодийётимизнинг қанчалик ривожланганлигига бевосита боғлиқ. Оддий фуқаро, масалан, банкларда амалга ошириладиган молиявий операцияларнинг хилма-хиллигига аллақачон ўрганиб қолган, чунки у ўзининг кундалик фаолиятида бу хизматлардан фойдаланиб туради. Эндиликда кредит уюшмаси деган тушунча ҳаётимиздан мустақкам ўрин олмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 0,2 фоизи у ёки бу кредит уюшмасининг аъзоси бўлиб, унинг хизматларидан фойдаланмоқда.

Моҳиятан, кредит уюшмалари ўз аъзоларига кредитлар беради ва уларнинг маблағларини депозитларга жалб қилади. Уюшмалар фаол молиявий воситачи вазифасини ўтамоқда, хусусан, шаҳар билан қишлоқ туманларини, қарз олувчилар билан омонатчиларни боғлаб турувчи бўлиб хизмат қилмоқда ва қарз маблағларининг жамғармалар жалб этилган ҳамжамият ичида сақланишини таъминламоқда.

Жаҳон амалиётида кредит уюшмаларининг ташкил этилиши ва фаолияти куйидаги тамойилларга асосланади:

- ташқи муассисларнинг йўқлиги;
- аъзоларнинг ўзлари ташкилот эгаси бўлиши;
- ҳар бир аъзо битта овоз ҳуқуқига эга бўлиши;
- аъзолар ўз пул маблағларини ташкилотга қўя олиши ёки ундан кредит олиши мумкинлиги;
- аъзолик одатда бирон-бир умумий алоқанинг, чунончи бирга ишлаш ёки битта ҳамжамиятда яшашнинг натижаси бўлиши.

Қоида тариқасида, кредит уюшмаларининг аъзолари кам таъминланган оилалар ёки турмуш даражаси ўртачадан пастроқ бўлган гуруҳлар вакили бўлиши керак. Кўрсатиладиган хизматлар, айтиш мумкинки, фақат маблағ бериш билан боғлиқ бўлади. Энг муҳими, операция чиқимларини молиялаш ташқи манбаларга боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли бу харажатлар албатта кам бўлиши керак.

Кредит уюшмалари фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати шуки, ташкилотни тузган гуруҳнинг ўзи аъзолар бир-бирини яхши биладиган даражада кичик бўлиши керак. Бу ҳол кре-

мақомини мунтазам равишда ўзгартириб туришига: омонатчилар кредиторларга, кредиторлар эса омонатчиларга айланишига алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 29 та кредит уюшмаси иш олиб бормоқда. Кредит уюшмаларининг ғоят жўшқин фаолиятини Андижон, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Жиззах вилоятларида, ва, турган гапки, Тошкент шаҳрида кўришимиз мумкин. Ҳозирги вақтда энг йирик кредит уюшмасининг сармоёси 500 млн. сўмдан ошиб кетди, унинг активлари эса миллиард сўмдан ортиқ. Шуни айтиб ўтиш керакки, фаолият тарихи нисбатан қисқалигини ҳисобга олганда (дастлабки кредит уюшмалари 2002 йил охири-

қариш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, мақбул даражада.

Чунончи, кредит уюшмалари томонидан берилган кредитларнинг 55 фоизи шахсий мақсадларни қондиришга, хусусан истеъмол товарлари сотиб олишга қаратилган. Айни вақтда кредитларнинг 39 фоизи микробизнесни ривожлантиришга йўналтирилган, 6 фоизи эса қишлоқ хўжалигини молиялашга сарфланмоқда.


Кредит уюшмаларидаги жамғармаларнинг даражаси берилган кредитлар кўрсаткичидан бирмунча пастлигига қарамай, уларнинг ўсиш тамойилига эътибор бериш керак, чунки бу кредит уюшмалари аҳолидан кўпроқ депозитлар жалб эта бошлаганини кўрсатади.

Бу ҳол жуда муҳим, чунки айнан жамғармаларнинг кўпайиши кредит уюшмаларини ривожлантирувчи энг барқарор манбадир. Кредит уюшмалари асосий эътиборни аъзоларнинг эҳтиёжларига мос келадиган янги жамғарма маҳсулотларига қаратиши зарур.

Аслини олганда, кредит уюшмасининг аъзолари ўзларини ташкилотнинг эгаси ва мулкдори деб ҳис қилсалар, уларнинг ўз жамғармалари эса дастлабки вақтда кредит бериш манбаи бўлишини аниқласалар, бундай кредит уюшмаси муваффақиятли ҳисобланади. Шунингдек, кам даромадли, аҳолиси эса кам таъминланган деб ҳисобланувчи минтақада қанча пул жалб этиш мумкинлигини таҳлил қилиш фойдадан холи эмас. Кредит уюшмасининг обрўси ва аъзоларнинг ишончи энг муҳим омил бўлиши керак. Турган гапки, ҳамма аъзоларни молиявий хизматлар билан таъминлаш учун маълум вақт талаб қилинади, лекин бу жараён табиий йўл билан кечмоғи, жамғармалар кредит беришдан олдин жалб этилиши лозим. Молиявий барқарорлик ва мустақилликка эришиш учун кредит уюшмалари ўз маблағларидан, айнан ўз аъзоларининг депозитларидан фойдаланиши керак. Агар бунга зарур даражада риоя қилинмаса, айтиш мумкинки, кредит уюшмаларининг фаолияти сунъий бўлиб қолади.

**Зафар УМАРОВ,
Нодир ҲАЙДАРОВ,
Молия секторини
ривожлантириш агентлиги.**

Кредит уюшмаларига доир муҳим кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси



дитлар қайтариб берилмаслиги хатарини камайтириш имконини беради. Фаолият кўрсатиш механизмига келсак, бунда кредит уюшмасининг фаолияти жараёнида унинг аъзолари ўз

да лицензия олган), ўсиш суръатлари анча жўшқин.

Кредит уюшмаларининг кредит портфели анча даражаланган, кредитларнинг тўпланиши эса, ҳозир хатарларни бош-

МИКРОКРЕДИТЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар фаолиятларини ривожлантиришда банкларнинг ёрдами муҳим. Бу борада банклар томонидан микрокредитлар ажратиш ишларининг яхши йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Айниқса, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Фармонига биноан "Тадбиркорбанк" акциядорлик-тижорат банки негизда "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг ташкил этилиши аҳоли турли қатламларининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди.



ҳақида тўхталиб, бу ҳолат банк ходимлари зиммасига қўшимча масъулият юклашини билдирди: "Биз ходимларнинг профессионал маҳоратидан тортиб, уларнинг миждоз билан ишлаш этикаси қай даражада эканлигига ҳисобга оламиз. Банк ходими миждозни уйига келган энг қадрли меҳмондек кутиб олиши керак. Биз ана шунда ўз мақсадимизга эришимиз мумкин. Биз шунга тайёригимизми? Мана шуни ҳар бир ходим ўзи учун ҳал қилиб олиши даркор".

"Микрокредитбанк" бошқаруви раиси банк шохобчалари республикамизнинг ҳар бир қишлоғига кириб бориши лозимлигини таъкидлади ва бу борада ишлар бошлаб юборилганлигини айтди.

Хулоса қилиб айтганда, семинар иштирокчилари икки кун давомида "Микрокредитбанк"нинг олдида қўйилган вазифалар билан танишдилар ва бу ерда олган билимларини ўз бўлиналари фаолиятида кенг тарғиб этишга қелишиб олдилар. Халқимиз фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган бундай амалий ишлар албатта, ўз мевасини беради.

Кумуш ЖУМАЕВА.

«ШЕРДОР»ДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

"Шердор" бугунги кундаги энг илғор ва ташаббускор кредит уюшмаларидан бири. Мамлакатимизда ташкил этилган илк кредит уюшмаси сифатида у ҳозирда ҳам барчага ўрнатилган самарали фаолият олиб бормоқда.

"Шердор" кредит уюшмаси директори М. Жўракуловнинг берган маълумотида кўра, 1-чорак якунлари бўйича уюшманинг молиявий аҳволи куйидагича бўлган. Жорий йилнинг биринчи апрел ҳолатига кўра, уюшманинг соф фойдаси 1376,0 минг сўмни, жами активлар суммаси эса 1075521 минг сўмни, капитали 170461 минг сўмни, кредит портфели 858038 минг сўмни, депозит портфели 877912 минг сўмни ташкил этган.

"Шердор" ўтган чоракда миждозлар билан иш олиб бориш тартибини ҳам тубдан ўзгартириб улар билан амалий машғулотлар, семинарлар, чекка туманларда уюшма аъзолари билан суҳбатлар олиб борди. Учрашувларда бугунги кундаги молиявий ўзгаришлар, бозор иқтисодиёти таракқиётида ва касаначиликни ривожлантиришда кредит уюшмаларининг роли, омонатга қўйиладиган маблағларнинг фоизлари тўғрисида маълумотлар, янги қонунлар тўғрисида тушунчалар берилиб келинмоқда.

Бугунги кунда уюшманинг энг фаол аъзолари Ш. Мавлянова, Л. Аҳмаджонова, Р. Мусиновалардир. Улар ўзларига тегишли ишлаб чиқариш корхонасини молиявий аҳволини яхшилаш, хусусий бизнесларини йўлга қўйиш учун уюшма хизматларидан фойдаланишган. Бу каби фаол аъзоларини «Шердор» имтиёзли кредитлар, яъни паст фоиз ставкали кредитлар билан рағбатлантириб келмоқда.

Лайло АЗИЗОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

2006 йил 20 апрел

№ 10/3

Тошкент ш.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЮРИДИК ШАХС
МАҚОМИНИ ОЛМАСДАН ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ
ТАДБИРКОРЛАР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МИЛЛИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА
МИКРОКРЕДИТЛАШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 6 майда 902-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 16 майдан кучга киради

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви

қарор қилади:

1. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақоми олмайдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш Тартиби»га (рўйхат рақами 902, 2000

йил 29 феврал, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг Меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси, 2000 йил 4-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Раиси **Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги
10/3-сонли қарорига илова 463-5**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИНИ ОЛМАСДАН
ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ДЕҲҚОН
ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МИЛЛИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА МИКРОКРЕДИТЛАШ
ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Тартибнинг 2.2-банди охири хат бошиси олиб ташлансин.

2. 2.5-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2.5. Кафиллик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги 3 (уч) нусхада кафил-

лик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охири бетида кафил ва қарздор имзоларидан кейин, банк томонидан мазкур кафиллик қабул қилинганлиги тўғрисида банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр қўйилган ёзув киритилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

2006 йил 20 апрел

№ 10/4

Тошкент ш.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИНИ
ОЛИБ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ
БОШҚА СУБЪЕКТЛАРИНИ МИЛЛИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА МИКРОКРЕДИТЛАШ
ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 6 майда 903-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 16 майдан кучга киради

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви

қарор қилади:

1. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақоми олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш Тарти-

би»га (рўйхат рақами 903, 2000 йил 29 феврал, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг Меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси, 2000 йил 4-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Раиси **Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ**

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 20 апрелдаги
10/4-сонли қарорига илова
464-7**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИНИ ОЛИБ ФАОЛИЯТ
КЎРСАТАЁТГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ БОШҚА СУБЪЕКТЛАРИНИ
МИЛЛИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА МИКРОКРЕДИТЛАШ ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Тартибнинг 2.2-банди охири хат бошиси олиб ташлансин.

2. 2.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.5. Кафиллик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги 3 (уч) нусхада кафил-

лик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охири бетида кафил ва қарздор имзоларидан кейин, банк томонидан мазкур кафиллик қабул қилинганлиги тўғрисида банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр қўйилган ёзув киритилади».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
Қ А Р О Р И**

**«ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ
МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ТАРКИБИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТИ
ЕТИШТИРУВЧИ БЎЛИНМАЛАР БЎЛГАН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРГА КРЕДИТЛАР
БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»**

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 17 мартда 1554-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 27 мартдан кучга киради

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунларига мувофиқ

қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган «Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган ҳарбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-

зирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**
Тошкент ш.
2006 йил 11 март
274-В-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири Р. АЗИМОВ**
Тошкент ш.
2006 йил 11 март
30-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви
ва Молия вазирлигининг
2006 йил 11 мартдаги
қарори билан тасдиқланган
№ 274-В, № 30**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ
ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ТАРКИБИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТИ ЕТИШТИРУВЧИ БЎЛИНМАЛАР БЎЛГАН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРГА
КРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
Н И З О М**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунларига мувофиқ тижорат банклари томонидан Мудофаа вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Чегараларни кўриқлаш давлат кўмитасининг таркибида хўжалик ҳисобидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бўлинмалари мавжуд ҳарбий қисмларига имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом асосида имтиёзли кредитлар (кейинги ўринларда - кредитлар) таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бўлинмалар ташкил этилган ҳарбий қисмларга қишлоқ хўжалиги техникаси, йирик ва майда шохли чорва моллари сотиб олиш ва молхоналар қуриш учун қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармалари маблағлари

ҳисобидан берилади.

2. Ушбу кредитлар мазкур Низомда белгиланган шартлар асосида таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-рувчи бўлинма мавжуд бўлган ҳарбий қисм (кейинги ўрин-ларда - ҳарбий қисм) номига 20203-сонли «Республика қара-моғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобва-рағи» очилган тижорат банки филиали томонидан 5 йилгача муддатга берилади.

3. Ҳарбий қисмлар фақат бир тижорат банкида (филиали-да) бюджетдан ташқари талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб-рақами очиш ҳуқуқига эга. Улар томонидан бошқа банклар-да бюджетдан ташқари талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб-варағи очилишига йўл қўйилмайди.

4. Ушбу кредитлар бўйича йиллик фоиз ставкаси Марка-зий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқ-дорида белгиланади.

5. Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати-нинг Чегараларни қўриқлаш давлат қўмитаси томонидан те-гишли ҳарбий қисмлар командирларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бўлинманинг ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш мақсадлари учун тижорат банклари билан кредит шартномаси тузишга қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда ишончнома берилади.

Ушбу ишончномада ҳарбий қисм командирига қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотлари етиштириш учун кредит олиш мақсади-да тижорат банклари билан кредит шартномалари тузиш, кредитни қайтариш таъминоти сифатида бўлғуси ҳосил, чорвачилик маҳсулотларини ва кредит ҳисобидан сотиб олин-ган чорва моллари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини бан-кка гаровга қўйиш ваколатлари берилганлиги белгилаб қўйи-лиши лозим.

6. Тижорат банклари томонидан ҳарбий қисмларга биз-нес-режа, техник-иқтисодий асослашларни ва кредит олиш учун лозим бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам берилиши лозим.

7. Мазкур кредитларнинг қайтарилиш таъминоти сифати-да бўлғуси ҳосил, етиштириладиган чорвачилик маҳсулот-лари ва кредит ҳисобига сотиб олинган чорва моллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси гарови хизмат қилади.

II. Кредит беришни расмийлаштириш ва кредит бе-риш тартиби

8. Кредит олиш учун ҳарбий қисм унинг бюджетдан таш-қари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб-варағига (20203-сонли ҳисобвараққа) хизмат кўрса-таётган тижорат банкка куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш-лари лозим:

кредит олиш учун буюртма;

пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган биз-нес-режа;

кредитни қайтариш таъминоти;

бўлғуси ҳосил, чорва моллари ва қишлоқ хўжалик техни-касининг банк-бенефициар фойдасига суғурталанганлиги ҳақидаги суғурта полиси;

ушбу кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг тўлаб берилмаган қисмини тўлаб берилиши ҳақидаги Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг Чегаралар-ни қўриқлаш давлат қўмитасининг ёзма мажбуриятлари.

9. Олинадиган кредитнинг қайтариш таъминоти сифати-да қарз олувчи ҳарбий қисм банк филиалига кредитдан фой-даланиш муддати давомида олинадиган бўлғуси ҳосил ва ишлаб чиқариладиган чорвачилик маҳсулотларини сотиш-дан тушадиган барча маблағларни ҳамда кредит ҳисобига сотиб олинган чорва моллари ва қишлоқ хўжалиги техника-сини таъминот сифатида тақдим этади.

Бунда банк ва ҳарбий қисм ўртасида бўлажак ҳосилни ва ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотишдан тушадиган барча пул маблағларини ҳамда кредит ҳисоби-дан сотиб олинадиган чорва моллари ва қишлоқ хўжалиги техникасини гарови шартномаси имзоланиши ва ушбу шартнома нотариал шаҳодатланиши шарт.

Гаров шартномасида ҳарбий қисм етиштирилган ҳосил ва ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотишдан тушган барча пул маблағларини тўлалигича ҳарбий қисмнинг бюджетдан ташқари депозит ҳисобварағига ўтказиб берили-ши бўйича мажбуриятни олиши белгилаб қўйилади. Шунин-гдек, ушбу шартномада банкка ҳарбий қисмнинг бюджетдан ташқари депозит ҳисобварақдаги маблағлар ҳисобидан ме-мориал ордер билан, унга муддатли мажбуриятномалар илова қилинган ҳолда, биринчи навбатда, эътирозсиз (акцептсиз) тартибда, ҳисобланган фоизларни ва кредитни ундириш жадвалига мувофиқ, ҳисобланган фоизларни ундиришга ва

кредитни қайтаришга йўналтириш ҳуқуқи бериладиган шар-тлар ҳам белгилаб қўйилади.

Шунингдек, гаров шартномасига ҳарбий қисм томонидан бўлғуси ҳосилни, кредит ҳисобидан сотиб олинган чорва моллари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини кредит бер-ган банк-бенефициар фойдасига табиий офатлардан, ўғир-ланишидан, йўл-транспорт ҳодисаларидан, режалаштирил-ган ҳосилни олинмаслигидан ихтиёрий суғурта қилинганли-ги тўғрисидаги суғурта полиси илова этилиши шарт.

10. Кредит беришни сўраб, мазкур Тартибнинг 8-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, берилган буюртманинг банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк томонидан кредит бериш ёки рад қилиш ҳақида ҳулоса берилиши муддати 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

11. Берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларнинг ҳарбий қисмларнинг бюджетдан ташқари талаб қилиб олин-гунча ҳисобварақлардаги маблағлар ҳисобидан кредит шар-тномасида белгиланган муддатда қопланмай қолган қисми Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг Чегараларни қўриқлаш давлат қўмитаси томонидан уларга ҳар йили ушбу мақсадларга ажратиладиган бюджет маблағ-лари ҳисобидан қоплаб берилади.

III. Кредитларни бериш, ҳисобини юритиш ва кре-дитни қайтариш тартиби

12. Банк ва ҳарбий қисм ўртасида кредит шартномаси имзоланиб, у амалга киритилганидан кейин, банк ҳарбий қисм учун алоҳида ссуда ҳисобварағини очади ва ундан қарз олув-чи ҳарбий қисмнинг тўлов топшириқномалари асосида фа-қат нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш йўли билан кредитлар берилади.

13. Берилган кредитлар 15100 «Давлат корхона, ташки-лот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

14. Алоҳида ссуда ҳисобварақларидан берилган кредит-лар бўйича ҳарбий қисмларнинг муддатли мажбуриятнома-лари расмийлаштирилади ва улар банкнинг тегишли ходи-мининг фармойишига асосан кредит тўла қайтарилгунча қадар 91905-«Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари» номли, кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

15. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланиш-нинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва унинг жараёнида қарздор томонидан олинган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини ва кредит шартно-маси шартларининг амалга оширилиши текширилади. Бан-клар томонидан мониторинг амалга оширилиш тартиби, бе-рилган кредитлар бошқа мақсадларда ишлатилган тақдир-да, қарздорга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари кре-дит шартномасида белгилаб олинган бўлиши керак. Мониторинг вақтида берилган кредитлар мақсадсиз ишлатилган-лиги аниқланган тақдирда, кредитларнинг мақсадсиз ишла-тилган қисми муддатидан олдин қайтариб олинади ва ҳар-бий қисмга кредит шартномасида белгиланган жарима чо-ралари қўлланилади.

16. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади, улар-ни ундириш ойда бир марта, кредит шартномасида кели-шилган санада амалга оширилади. Кредит бўйича ҳисоб-ланган фоизлар тўлови ва асосий қарзнинг қайтарилиши қарздорнинг 20203-сонли «Республика қарамоғидаги бюд-жет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйи-ча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи»даги маб-лағлар ҳисобидан муддатли мажбуриятномалар асосида мемориал ордер билан биринчи навбатда, акцептсиз тар-тибда амалга оширилади. Бунда ҳисобланган фоизлар кре-дит бўйича асосий қарздан олдин ундириб олинади.

Ҳарбий қисмлар кредит бўйича асосий қарз ва ҳисоблан-ган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддат-дан олдин қайтариш ҳуқуқига эгалар.

17. Қарздорнинг 20203-сонли ҳисобварағидаги маблағ-лар олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, фоизлар ва кредит қолдиғи-ни ундириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

1) табиий офатлар ёки бошқа сабаблар натижасида ҳосил кам етиштирилгани ёки умуман етиштирилмагани ёки чор-ва молларининг нобуд бўлганлиги сабабли ҳарбий қисмнинг бюджетдан ташқари талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб-варағидаги маблағлар кредит ва у бўйича ҳисобланган фо-изларни тўлашга етарли бўлмаган тақдирда, ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи суғурта полиси асосида суғурта ташкилоти томонидан банкнинг биринчи талаби асосида қоп-

лаб берилади;

2) етарли даражада ҳосил ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилган, аммо уни сотишдан тушган маблағлар кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларнинг қолдиқ суммаси кредитни қайтариш муддати етиб келганда Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг Чегараларни қўриқлаш давлат қўмитаси томонидан, уларнинг банкка тақдим этилган ёзма мажбуриятлари асосида, ушбу мақсадлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади;

3) юқорида келтирилган барча манбалар ҳисобидан берилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар тўлиқ қопланмай қолган тақдирда, банк томонидан кредитнинг ва ҳисобланган фоизларнинг қопланмай қолган қисмини га-

ровга олинган чорва моллари ва қишлоқ хўжалиги техникасини қонунчиликда белгиланган тартибда уларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан қоплайди.

18. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазири
2006 йил 11 март

Р. МИРЗАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Миллий хавфсизлик хизмати
Раиси
2006 йил 11 март

Р. ИНОЯТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2005 йил 24 декабрдаги
28-А/1-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН
№ 623

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИДА **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ** **(янги таҳрирда)**

(Давоми. Боши 5-8, 11-12, 14, 16-20, 23-сонларда).

Ҳисобварақнинг дебетида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21704-Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг кредитида маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасалар томонидан жамғармага қўйилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб депозитлар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21706-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг кредитида Республика бюджети қарамоғидаги муассасалар томонидан жамғармага қўйилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб депозитлар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21708-Банк бўлмаган молиявий институтларнинг жамғарма депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк бўлмаган молиявий институтларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк бўлмаган молиявий институтларнинг томонидан жамғармага қўйилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк бўлмаган молиявий институтларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб депозитлар алоҳида шахсий ҳисобва-

рақларда юритилади.

21796-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг кредитида хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларида келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг жамғарма депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21900 МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТЛАР

21902-Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари муддатли депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади ва ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақ фақат Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲҚКМида очилади.

Ҳисобварақнинг кредитида муддатли депозитга қўйилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21904-Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади. Шартнома муддати тугагандан кейин миқдорларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақига ўтказилади.

Ҳисобварақнинг кредитида маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларида келиб тушган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган суммалар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб депозитлар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21906-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Республика бюджети қарамо-

ғидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади. Шартнома муддати тугагандан кейин миқозларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Республика бюджети қармоғидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларига келиб тушган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди Республика бюджети қармоғидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб депозитлар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21908-Банк бўлмаган молиявий институтларнинг муддатли депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк бўлмаган молиявий институтларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади. Шартнома муддати тугагандан кейин миқозларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк бўлмаган молиявий институтларнинг муддатли депозит ҳисобварақларига келиб тушган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди банк бўлмаган молиявий институтларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб депозитлар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21996-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади. Шартнома муддати тугагандан кейин миқозларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Ҳисобварақнинг кредитида хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг муддатли депозит ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб депозитлар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22000 МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ

22002-Жисмоний шахслар учун чиқарилган облигациялар

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар учун чиқарилган облигацияларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида чиқарилган облигацияларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди чиқарилган облигацияларнинг тўлов муддати тугагач уларни қоплашда ёки тўлов муддати келгунга қадар эгаларидан сотиб олишдаги номинал қиймати ҳисобдан чиқарилади.

Аналитик ҳисоб облигацияларнинг муддати ва чиқарилиши бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22004-Юридик шахслар учун чиқарилган облигациялар

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юридик шахслар учун чиқарилган облигацияларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида чиқарилган облигацияларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди чиқарилган облигацияларнинг тўлов муддати тугагач уларни қоплашда ёки тўлов муддати келгунга қадар эгаларидан сотиб олишдаги номинал қиймати ҳисобдан чиқарилади.

Аналитик ҳисоб облигацияларнинг муддати ва чиқарилиши бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22006-Чиқарилган облигациялар бўйича дисконт (контр-пассив)

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқарилган облигацияларнинг номинал қиймати ва сотилган нархи ўртасидаги салбий фарқ - дисконт ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди чиқарилган облигациялар-

нинг уларни номинал қийматидан паст баҳода сотилгандаги дисконт суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида облигацияларни тўлашда, уларни кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олингандаги дисконт суммаси ҳамда дисконт амортизацияси суммалари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб облигацияларнинг муддати ва чиқарилиши бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22008-Чиқарилган облигациялар бўйича мукофот

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқарилган облигацияларнинг номинал қиймати ва сотилган нархи ўртасидаги ижобий фарқ - мукофотнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида чиқарилган облигацияларнинг уларни номинал қийматидан юқори баҳода сотилгандаги мукофот суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди қиймати тўланаётган, кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олинаётган облигацияларнинг мукофот суммаси ҳамда мукофот амортизацияси суммалари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб облигацияларнинг муддати ва чиқарилиши бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22100 ОЛИНГАН КРЕДИТ, ЗАЙМ ВА ВЕКСЕЛЛАР

22102-Хукуматдан олинган кредитлар ва сотилган векселлар

22104-Хукуматдан олинган қарзлар (займлар)

22114-Банклардан олинган кредитлар ва сотилган векселлар

22196-Бошқа олинган кредитлар ва сотилган векселлар

Ҳисобварақларнинг таърифи: Марказий банк ёки Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан ички ёки ташқи (хорижий) кредиторлардан олинган муддатли қарз маблағларининг ҳисоби юритилади. Кредитлар Марказий банк чиқарган, сертификатлар ва бошқа қарз инструментлар кўринишида бўлиши мумкин (яъни Марказий банкка тегишли бўлган қарз инструментларининг эвазига берилган кредитлар ва қарзлар (займлар)). Ушбу ҳисобварақлар ўзларининг хусусиятларига кўра бир хил бўлиб, фақат миқозларнинг тури бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида Марказий банк ёки Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан олинган кредитлар, қарзлар (займлар) ва сотилган қарз инструментларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг дебетиди Марказий банк ёки Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан кредитлар ва қарзлар (займлар)нинг қайтарилган қисмининг ва сотилган қарз инструментлари бўйича амалга оширилган тўловларнинг суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб кредиторлар ва улар берган кредитлар ва қарзлар (займлар)нинг ҳамда сотилган қарз инструментларининг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22200 МАРКАЗИЙ БАНК/БЎЛИМ/АГЕНТЛИКЛАРГА ТЎЛАНДИГАН МАБЛАҒЛАР

22202-Марказий банк/филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар – Нақд пуллар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг республика ҳудудидаги Бош бошқармалари ҲҚКМлари билан бўладиган нақд пул маблағлари бўйича операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ 16101 - "Марказий банк/филиал/агентликлардан олинадиган маблағлар – Нақд пуллар" ҳисобварақ учун ўзаро боғлиқ ҳисобварақ ҳисобланади. Мазкур ҳисобварақнинг айланма ва қолдиқ суммалари 16101 - "Марказий банк/ филиал/агентликлардан олинадиган маблағлар – Нақд пуллар" ҳисобварақининг айланма ва қолдиқ суммаларига тенг бўлиши ва жамланма балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банк/филиал/агентликларга нақд пул учун келиб тушган маблағлар ҳисоби акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди Марказий банк/филиал/агентликлардан олинган тасдиқномага асосан 10109-"Йўлдаги нақд пуллар" ҳисобварақига ўтказилган маблағлар, шунингдек маблағларнинг нотўғри ўтказилиши натижасида қайтарилган сумма акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб Марказий банк/филиал/агентликлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22203- Марказий банк/филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар – Марказлаштирилган нақдсиз маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг республика ҳудудидаги Бош бошқармалари билан марказлашган нақдсиз маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ 16102-“Марказий банк/филиал/агентликлардан олинган маблағлар – Марказлашган нақдсиз маблағлар” ҳисобварақ учун ўзаро боғлиқ ҳисобварақ ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланма балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банк/филиал/агентликлардан келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида Марказий банк/филиал/агентликларига марказлашган нақдсиз маблағларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб Марказий банк/филиал/агентликлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22204-Марказий банк/ филиал/агентликларга филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг республика ҳудудида жойлашган ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМлари билан бўладиган филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар учун фойдаланадиган маблағлари ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 16103-“ Марказий банк/ филиал/агентликлардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинган маблағлар ўзаро мос ҳисобварақдир. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланма балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг кредитида ҲКМ миқдорларига ва/ёки ҲКМга келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб Марказий банк/филиал/агентликлар бўйича Марказий банкда алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22205-Марказий банк/филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар – Товар-моддий қимматликлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг республика ҳудудидаги Бош бошқармаларига Бош банкдан ёки Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан бир-бирларига берилган товар-моддий қимматликлар бўйича операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 16104-“Марказий банк/филиал/агентликлардан олинган маблағлар–Товар-моддий қимматликлар” ўзаро мос ҳисобварақдир. Ушбу ҳисобварақларнинг айланма ва қолдиқ суммалари бир-бирига тенг бўлиши ва жамланма балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг кредитида омборга қабул қилинган товар-моддий қимматликлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида Марказий банк/филиал/агентликларга белгиланган муддатларда омборга қабул қилинган товар-моддий қимматликлар бўйича тўланадиган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22206-Марказий банк/бўлим/чет элдаги агентликларга тўланадиган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг чет элдаги агентликларидан олинган товар ва қийматликларнинг суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида чет элдаги агентликлардан олинган товар ва қийматликларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида чет элдаги агентликларга товар ва қийматликлар учун ўтказилган ёки бошқа ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

22208-Марказий банк/филиал/агентликларга филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар–Овердрафт

Ҳисобварақнинг таърифи: 16103 – “Марказий банк/ филиал/агентликлардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинган маблағлар” ҳисобварақнинг мавжуд дебет қолдиқ суммасидан ортиқ суммага тўловлар амалга ошган ҳолатда вужудга келган кредит қолдиғининг ҳисоби юритилади. Мазкур ҳисобварақнинг айланма ва қолдиқ суммалари Марказий банкда филиаллар ва

агентликларга очилган 16107-“Марказий банк/филиал/агентликлардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинган маблағлар – Овердрафт” ҳисобварақнинг айланма ва қолдиқ суммаларига тенг бўлиши ва жамланма балансда ушбу ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаслиги шарт.

Ҳисобварақнинг кредитида 16103 – “Марказий банк/ филиал /агентликлардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинган маблағлар” ҳисобварақда вужудга келган кредит қолдиғининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида 16103 – “Марказий банк/ филиал /агентликлардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинган маблағлар” ҳисобварақда маблағлар келиб тушганда мавжуд кредит қолдиғининг қопланиш суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҲКМларида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади”.

22210 -Марказий банк/бўлим/агентликлардаги маблағлар-Флоат

Ҳисобварақнинг таърифи: бўлим/агентликлардан олинган, лекин белгиланган муддатда қопланмаган товар ва қийматликлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида бўлим/агентликлардан олинган, лекин белгиланган муддатда қопланмаган товар ва қийматликлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида бўлим/агентликларга тўланган товар ва қийматликлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

22400 Тўланиши ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР

22401-Норезидент банкларнинг маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақда норезидент банклар шу жумладан бошқа Марказий банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа депозит ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида норезидент банклар, шу жумладан бошқа Марказий банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида норезидент банклар, шу жумладан бошқа Марказий банкларнинг ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизларнинг тўланган қисми акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир норезидент банк, шу жумладан бошқа Марказий банкларнинг ҳисобварақларидаги маблағига ҳисобланган фоизлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22402-Талаб қилиб олинган депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: талаб қилиб олинган депозит мажбуриятлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади..

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22403-Жамғарма депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: жамғарма депозит мажбуриятлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади..

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22404-Халқаро молиявий институтларнинг маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақда ХВФ, ХТТБ, ХТА ва бошқа халқаро молиявий муассасаларнинг депозит ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоиз суммаларининг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида халқаро молиявий институтларнинг депозит ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоиз суммалари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида халқаро молиявий институтларга тўлаб берилган фоиз суммалари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳисобланган фоиз суммалари алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22405-Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: муддатли депозит мажбуриятлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22407-Резидент банкларнинг маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: резидент банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очган ҳисобварақларидаги маблағлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредити бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебити бўйича тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22410-Олинган кредитлар, қарзлар (займлар) ва сотилган векселлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг кредит мажбуриятлари (моҳияти бўйича кредитлар деб аталадиган молиявий лизинг ва бошқа операциялар), олинган қарзлар (займлар) ва сотилган векселлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир кредит ва займ берувчи ҳамда сотилган векселлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22414-Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган фоизлар суммаси, шунингдек сотиш қийматига киритилган фоизлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Тахлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури, муддати ва чиқарилиши бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22496-Бошқа ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган харажатлар суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган харажатларнинг қайтарилган суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Аналитик ҳисоб харажатлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22500 ҲИСОБЛАНГАН СОЛИҚЛАР

22506-Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ банкнинг ходимларидан ушлаб қолган ва бюджет даромадига ўтказиладиган солиқлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ушлаб қолинадиган солиқлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида бюджетга ўтказилган солиқлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22510-Пенсия фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўловга ўтказиладиган банк томонидан ушлаб қолинган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ягона ижтимоий тўловга ўтказиладиган банк томонидан ушлаб қолинган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ягона ижтимоий тўловга ўтказилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22512-Иш билан таъминлашга кўмаклашиш фонди ва бошқа фондлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ Бандлик фондига, Касаба уюшмаси федерация кенгашининг ижтимоий суғурта бюджетига ва бошқа фондларга ўтказиш учун банк томонидан ушлаб қолинган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Бандлик фонди ва бошқа фондларга ўтказиш учун банк томонидан ушлаб қолинган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Бандлик фонди ва бошқа фондларга ўтказилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир фонд ва тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22600 МИЖОЗЛАРНИНГ БОШҚА ДЕПОЗИТЛАРИ

22602-Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: харидорларнинг топширигига кўра товар етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун очилган қопланган аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида очилган аккредитивларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида аккредитив ҳисобидан тўланган суммалар, шунингдек, фойдаланмаганлиги натижасида қайтарилган, камайтирилган ёки бекор қилинган аккредитив суммалари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22606-Мижозларнинг импорт билан боғлиқ тратталар ва/ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган аккредитивлар бўйича депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: харидорларнинг топширигига бўйича товар етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун импорт билан боғлиқ тасдиқланган векселлар ва/ёки траст ҳужжатлари билан очилган аккредитивлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида очилган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида аккредитив ҳисобидан тўланган суммалар, шунингдек, фойдаланмаганлиги натижасида қайтарилган, камайтирилган ёки бекор қилинган аккредитив суммалари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22696-Бошқа депозит мажбуриятлари

Ҳисобварақнинг таърифи: мижозларнинг юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган операциялари учун белгиланган маблағлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мижознинг депозит мажбуриятлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида белгиланган мақсади бўйича ўтказилган маблағлар, ҳамда фойдаланмаганлиги натижасида мижознинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозит ҳисобварақига қайтарилиши, маблағларнинг камайтирилиши ёки бекор қилинган шартнома маблағлари акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир депозит мажбурияти бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22800 ҲОСИЛАВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР БЎЙИЧА РЕВАЛЬВАЦИЯ НАТИЖАСИДА АМАЛГА ОШМАГАН ЗАРАРЛАР ВА БОШҚА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ДАРОМАДЛАР

22802-Форвард шартномаси бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар

Ҳисобварақнинг таърифи: форвард битимлари бўйи-

ча амалга ошмаган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида форвард шартномалари бўйича кўрилган амалга ошмаган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида форвард шартномалари бўйича ушбу позиция рўйхатдан ўтгунича кўрилган амалга ошмаган зарарларнинг қопланган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир форвард шартномалари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22806-Опционлар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар

Ҳисобварақнинг таърифи: опционлар бўйича амалга ошмаган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида опционлар бўйича кўрилган амалга ошмаган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида опционлар бўйича ушбу позиция рўйхатдан ўтгунича кўрилган амалга ошмаган зарарларнинг қопланган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир опцион бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22810-Фьючерс бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар

Ҳисобварақнинг таърифи: фьючерс шартномалари бўйича амалга ошмаган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида фьючерс шартномалари бўйича кўрилган амалга ошмаган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида фьючерс битимлари бўйича ушбу позиция рўйхатдан ўтгунича кўрилган амалга ошмаган зарарларнинг қопланган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир фьючерс битимлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22811-Своплар бўйича амалга ошмаган зарарлар

Ҳисобварақнинг таърифи: своплар бўйича ўзлаштирилмаган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида своплар бўйича кўрилган ўзлаштирилмаган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида своплар бўйича ўзлаштирилмаган ва/ёки ушбу позиция рўйхатдан ўтгунича кўрилган зарарларни қоплашдаги ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир опцион битими бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22812-Келгуси давр фоизли даромадлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳақиқатда ишлаб топилгани билан даврий равишда даромадга ўтказилмаган, олдиндан олинган фоизлар/дисконтлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида олинган фоизлар/дисконтлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳақиқий ишлаб топилган фоизлар/дисконтларнинг ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб даромадлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

22896-Бошқа муддати узайтирилган бошқа даромадлар

Ҳисобварақнинг таърифи: уларнинг ҳақиқий ишлаб топилганлигига қараб даврий равишда даромадга ўтказилмаган, юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган олдиндан ундирилган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган олдиндан ундириб олинган даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳақиқий ишлаб топилган даромадларнинг ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб даромадлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23200 КЛИРИНГ ТРАНСАКЦИЯЛАРИ

23202-Клиринг трансакциялари

Ҳисобварақнинг таърифи: Ҳукумат ва унинг маҳаллий органлари қарорларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларини Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ёки тижорат банклари кредитлари ёхуд факторинг операциялари ҳисобига қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўзаро ҳисоблашишларнинг мақсадли схемалари орқали қисқартириш билан боғлиқ операцияларининг, шунингдек ушбу баланс ҳисобварағида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказлари ўртасида амалга оши-

риладиган эмиссия операцияларининг ҳисоби юритилади. Эмиссия операциялари бўйича жўнатилган пул маблағлари қолдиқлари кун охирида нолга тенг бўлиши лозим.

Ҳисобварақнинг кредитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ёки тижорат банкларининг кредитлари ёхуд факторинг операциялари ҳисобига мақсадли схемалар орқали келиб тушган маблағлар, шунингдек эмиссия операциялари бўйича жўнатилган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида мақсадли схемалар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларда қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварағига ўтказилган маблағлар ва/ёки Марказий банкнинг кўрсатмаси бўйича ушбу ҳисоб-китобда фойдаланилмаган маблағлар қисмининг тегишли ҳисобвараққа ўтказилган, шунингдек эмиссия операциялари бўйича жўнатилган пул маблағлари қолдиқларининг ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қатнашувчи хўжалик юритувчи субъект бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23204-Бир марталик ўзаро ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: бюджет муассасалари, корхона ва ташкилотлари ўртасида ўзаро бир марталик ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан ажратилган мақсадли маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларда иштирок этувчилардан келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ўзаро ҳисоб-китобларда иштирок этувчилар ҳисобварағига ўтказилган маблағлар ва/ёки Молия вазирлигининг кўрсатмаси бўйича ўзаро ҳисоб-китобда фойдаланилмаган маблағлар қисмининг тегишли ҳисобвараққа ўтказилган суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир иштирокчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23206-Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар

Ҳисобварақнинг таърифи: айрим сабабларга (реквизитлари нотўғри кўрсатилганда, мижозга бу банкда бошқа хизмат кўрсатилмаганда, кўшимча назорат талаб қиладиган операциялар ва шу каби бошқа ҳолларда) кўра белгиланган мақсади бўйича ўтказилмаган маблағлар трансакцияси ҳисобга олинади. Аниқланиш жараёнидаги ҳисобварақда маблағлар мақсади бўйича ўтказилиши ёки тўловчига қайтарилиши лозим бўлган ўрнатилган муддат давомидагина қолдирилиши мумкин.

Ҳисобварақнинг кредитида келиб тушган вақтида белгиланган мақсади бўйича ўтказиш мумкин бўлмаган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида белгиланган мақсади бўйича ўтказилган ёки тўловчига қайтарилган суммалар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир тўловчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23212-Республика бюджетининг мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Республика бюджети ҳисобидан мақсадли молиялаштириш қатнашчиларига ажратилган маблағлар, шунингдек, мақсадли тўловлар бўйича Республика бюджетига келиб тушадиган солиқлар ва тўловларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мақсадли молиялаштириш қатнашчиларига, шунингдек бюджетга келиб тушадиган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида бюджетга бўладиган тўловлар ва солиқлар, мақсадли молиялаштириш қатнашчилари ҳисобварақларига ўтказилмаган маблағлар, шунингдек, маҳаллий бюджетларга ажратилган маблағлар ва ҳисобварақ бўйича қолдиқларнинг Молия вазирлигининг тегишли ҳисобварағига ёпилиши акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб, алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23214-Маҳаллий бюджетларнинг юқори молия органлари билан бўладиган ўзаро ҳисоб-китоблари учун маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Республика бюджети ҳисобидан мақсадли молиялаштириш қатнашчиларига ажратилган маблағлари ҳисобидан ўтказилган маблағларнинг, шунингдек, мақсадли тўловлар бўйича Республика бюджетига келиб тушадиган солиқлар ва тўловларнинг ҳисоби юрити-

лади.

Ҳисобварақнинг кредитида мақсадли молиялаштириш қатнашчиларининг 23212 ҳисобварақлари ажратма сифатида ҳамда 23214 ҳисобварақлардан келиб тушган мақсадли маблағлар ҳисоби акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида мақсадли молиялаштириш қатнашчилар томонидан бошқа қатнашчиларнинг 23214 ҳисобварақларига ҳамда Республика бюджетининг 23212 ҳисобварақига тўланган солиқ суммалари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23216-Қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш ва сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган жамғарма маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқишни ва реализация қилишни молиялаш учун ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

23218- Молия вазирлиги жағармасидан ажратилган мақсадли маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси «Қишлоқхўжтаъминот-тузатиш» давлат ширкат кўмитаси билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида Молия вазирлиги жағармасидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилган маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Молия вазирлиги жамғармасидан махсус транш орқали келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23220-Молия вазирлиги жамғармасидан олинган мақсадли маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Молия вазирлиги жамғармасидан давлат буюртмаси бўйича шартномаларга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун олинган маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида бўнак тўловлари суммаси ҳамда етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб маҳсулот тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23224-Хўжалик юритувчи субъектларнинг бир марталик ўзаро ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақ хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро амалга ошириладиган бир марталик ҳисоб-китоблар учун ажратилган мақсадли маблағлар ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Бунда ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳар бир иштирокчиси учун уларнинг уникал кодлари (хос рақамлари) билан алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади. Ушбу ҳисобварақ бўйича фойдаланилмаган қолдиқ суммалар Молия Вазирлигининг кўрсатмаси билан ёпилади. Бу кўрсатма банкларга Марказий банк томонидан етказилади.

Ҳисобварақнинг кредитида республика бюджетининг асосий ҳисобварақидан ажратилган маблағлар суммаси ва ўзаро ҳисоб-китоб иштирокчиларидан келиб тушган тушумлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ўзаро ҳисоб-китобнинг бошқа иштирокчисига очилган 23224-ҳисобвараққа ўтказилган сумма акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ўзаро ҳисоб-китобнинг ҳар бир иштирокчиси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23226-Республика бюджетининг экспортчи корхоналар билан мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: мақсадли молиялаш иштирокчиларига Республика бюджетидан экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ҳамда марказлашмаган экспорт бўйича бу товарларнинг сотилиши нархи ўртасидаги фарқни қоплаш учун берилган маблағларнинг ҳисо-

би юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мақсадли молиялаш иштирокчисига келиб тушган бюджет маблағлари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида мақсадли молиялаш иштирокчиларига ўтказилган маблағлар ҳамда Молия вазирлигининг тегишли ҳисобварақига мазкур ҳисобварақдаги қолдиқнинг ёпилиши акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир ўзаро ҳисоб-китоб иштирокчиси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23228-Республика бюджетининг пудратчи ташкилотлар билан мақсадли ҳисоб-китоблар учун мақсадли маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобварақда Ипотекабанк бўлимлари билан тузилган шартномага асосан уй-жой биноларини кураётган пудратчи ташкилотларнинг қўшилган қиймат солиқлари (ҚҚС) бўйича юзага келган салбий фарқни қоплаш учун қилинган харажатларга доир мақсадли тўловлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида берилган мақсадли ссудалар ҳамда пудратчи ташкилотлар томонидан ушбу ҳисобвараққа солиқ турлари бўйича ўтказилган тўловлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида пудратчи ташкилотларга ҚҚС бўйича ўтказиб берилган бюджет маблағлари ҳамда қайтарилган мақсадли ссудалар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23400 ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ

23402-Республика бюджетининг маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Республика бюджети даромадларининг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Республика бюджетига ўтказилган солиқ ва бошқа тўловлар, шунингдек Республика бюджети даромадлари транзит ҳисобварақларидан келиб тушган қолдиқ суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Республика бюджети ҳисобидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар, Республика бюджети даромадлари транзит ҳисобварақларидан ўтказилган қолдиқ маблағлар, шунингдек, Республика бюджети даромади ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилган тўловлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб Республика бюджетининг даромадлари классификацияси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23403-Божхона тўловлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари

Ҳисобварақнинг таърифи: божхона тўловлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида божхона хизматлари учун Республика бюджети даромадига келиб тушадиган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Республика бюджетининг асосий даромадлар ҳисобварақига ўтказиладиган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб шахсий ҳисобварақда юритилади.

23404-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Республика бюджети қаромоғидаги муассаса ва ташкилотларнинг харажатларини молиялаштириш учун Республика бюджети даромадлари ҳисобидан келиб тушган маблағлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Республика бюджети даромадлари ҳисобидан ва бошқа белгиланган тартибда келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида бюджет муассасалари ва ташкилотларнинг харажатлар сметасига мувофиқ ва бошқа белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб Республика бюджетининг харажатлар классификацияси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23405-Нобюджет ташкилотлар ва корхоналар учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Давлат дастури бўйича республика бюджетидан нобюджет ташкилотлар ва корхоналарга ажратилган маблағлар, шунингдек, субсидия ва трансфертлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида республика бюджетидан келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23408-Ҳукуматнинг бошқа кредиторлик ҳисобварақлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақда ҳукуматнинг депозит маблағлари, халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятлари ва бошқа маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳукуматнинг депозит маблағлари, халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятлари ва бошқа қилинган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳукуматнинг топшириғига асосан ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23416-Махсус мақсадлар фонди

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳукумат томонидан Республика бюджети маблағлари ҳисобидан ташкил этилган махсус мақсадлар фонд маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида фондга келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ҳукумат топшириғи бўйича махсус мақсадлар учун ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир мақсад бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23422-Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш

Ҳисобварақнинг таърифи: капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун республика бюджетидан олинган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун республика бюджетидан келиб тушадиган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида капитал қўйилмаларни молиялаштиришга қилинган сарф-харажатлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир молиялаштириш объекти бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23424-Капитал қўйилмаларни маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш

Ҳисобварақнинг таърифи: капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетлардан олинган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетлардан келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида капитал қўйилмаларни молиялаштиришга қилинган сарф-харажатлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир молиялаштириш объекти бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23426-Маҳаллий бюджет маблағлари – Туман/шаҳар

Ҳисобварақнинг таърифи: туман ва шаҳар бюджетларининг даромадлари, ҳамда маҳаллий бюджет қарамогидаги муассасалар ва ташкилотларнинг бюджет маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида маҳаллий бюджет ва муассасалар ҳисобига келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида бюджет муассасалари ва ташкилотлари учун харажатлар сметасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, туман ва шаҳар бюджетларига нотўғри ўтказилганлиги натижасида қайтарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23427-Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг туман/шаҳар бюджетидан ажратилган маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Давлат дастури бўйича туман/шаҳар бюджетидан нобюджет ташкилотлар ва корхоналарга ажратилган маблағлар, шунингдек, субсидия ва трансфертлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида туман/шаҳар бюджетидан келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23430-Маҳаллий бюджет маблағлари - Вилоят

Ҳисобварақнинг таърифи: вилоят бюджетининг даромадлари, шунингдек, маҳаллий бюджет қарамогидаги муассасалар ва ташкилотларнинг бюджет маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида маҳаллий бюджет ва муассасалар ҳисобига келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида бюджет муассасалари ва ташкилотлари учун харажатлар сметасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, вилоят бюджетига нотўғри ўтказилганлиги натижасида қайтарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23431-Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг вилоят бюджетидан ажратилган маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Давлат дастури бўйича вилоят бюджетидан нобюджет ташкилотлар ва корхоналарга ажратилган маблағлар, шунингдек, субсидия ва трансфертлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида вилоят бюджетидан келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23432-Маҳаллий бюджет маблағлари- қорақалпоғистон Республикаси

Ҳисобварақнинг таърифи: Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг даромадлари, шунингдек маҳаллий бюджет қарамогидаги муассасалар ва ташкилотларнинг бюджет маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида маҳаллий бюджет ва муассасалар ҳисобига келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида бюджет муассасалари ва ташкилотлари учун харажатлар сметасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, қорақалпоғистон Республикаси бюджетига нотўғри ўтказилганлиги натижасида қайтарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

23433-Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ажратилган маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Давлат дастури бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан нобюджет ташкилотлар ва корхоналарга ажратилган маблағлар, шунингдек, субсидия ва трансфертлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

23442-Инвестиция дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ва марказлашган кредитлар ҳисобидан ажратилган бўнак маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: инвестиция дастурига қрилган қурилиш объектларини молиялаштириш учун давлат бюджети ва марказлаштирилган кредитлар ҳисобидан қурилиш ташкилотлари (бош пудратчи ва субпудратчи) ва уларга мол етказиб берувчиларга ажратилган бўнак маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида бўнак тўловлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

27400 ФИЛИАЛЛАРАРО АЙЛАНМАЛАР (МФО) ТРАНЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ

27416-Бир Ҳисоб-китоблар маркази ичидаги ўзаро ҳисоб-китоблар

29800 БОШҚА МАЖБУРИЯТЛАР

29801-Мижозлар билан ҳисоб-китоблар

Ҳисобварақнинг таърифи: мижозлар томонидан амалга ошириладиган турли операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш мақсадида қилинган маблағлар ҳисоби

юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кирим қилинган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди белгиланган тартибда ва мақсадда амалга оширилган тўлов суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

29802-Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: олинган товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар (электр, сув, газ ва бошқалар) учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида олинган товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29803-Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: иш ҳақи, пенсия, алимент, болалар ёрдам пули, моддий ёрдам, банд қилинган иш ҳақи, бошқа мукофотлар ёки бадаллар бериш учун ҳисобланган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди берилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳисоблар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29804-Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари

Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа банкларда хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг ҳисобварақларига ҳисоблаб ўтказилишга тааллуқли бўлган инкассо қилинган пул тушумлари ва чекларининг суммаси ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида 19903 "Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар" ҳисобварағидан қайта ҳисоблангунча олдиндан ўтказилган инкассо қилинган пул тушумлари ва чекларнинг суммаси, шунингдек, инкассо қилинган пул тушумлари ва чекларнинг қайта ҳисоблангандан кейин аниқланган ортиқча суммалари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди қайта ҳисоблангандан кейин банкнинг вакиллик ҳисобварағига ўтказилган инкассо қилинган пул тушумлари ва чекларнинг суммаси, шунингдек 19903 "Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар" ҳисобварағига ўтказилгандан кейин қайта ҳисоблаш натижасида аниқланган камомадлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

29805-Ижара (операцион ижара) бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: операцион ижара бўйича ҳисобланган мажбурият ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида операцион ижара бўйича тўлаш учун ҳисобланган (харажат) сумма акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди операцион ижара бўйича тўлаш учун ҳисобланган сумманинг тўланган ёки ҳисобдан чиқарилган суммалари акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир ижара берувчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29816-Ортиқча нақд пул

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг ҳисобдор кассирларидаги нақд пулларни қайта санашда аниқланган ортиқча нақд пулларнинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ортиқча нақд пуллар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди ортиқча нақд пулларни пайдо бўлишининг ҳақиқий сабаблари аниқлангандан кейин ҳисобдан чиқарилган суммалари акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кассир бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29840-Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: 10 йил давомида талаб қилиб олинмаган депозитлар ва кредитларнинг улар бўйича ҳисобланган фоизларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида талаб қилиб олинмаган депозитлар ва кредитларнинг улар бўйича ҳисобланган фоизла-

ри. м ҳисобга олган ҳолдаги суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди бюджет даромадига ўтказилган ёки ўрнатилган қоидаларга мувофиқ бошқаларга тўланган суммалар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

29842-Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлар

Ҳисобварақнинг таърифи: мижозларнинг қонунчиликда ўртатилган муддат давомида ҳаракатда бўлмаган депозит ҳисобварақларидаги қолдиқлари, шунингдек, ўрнатилган муддатда талаб қилинмаган бошқа ҳисобварақларнинг қолдиқлари (чеклар, векселлар ва бошқалар) ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мижозларнинг "ҳаракатсиз депозитлар" туркумига ўтказилган маблағлари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди мижозларга тўланган, бошқа ҳисобварақларга ўтказилган ёки реклассификация қилинган ва 29840-«Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар» ҳисобвараққа ўтказилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

29846-Талаб қилиб олинмаган бошқа кредит қолдиқлари

Ҳисобварақнинг таърифи: мижозларнинг қонунчиликда ўрнатилган муддат давомида талаб қилиб олинмаган кредитлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мижозлар томонидан талаб қилиб олинмаган кредитларнинг, улар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳам ҳисобга олган ҳолдаги суммалари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди реклассификация қилинган ва 29840-«Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар» ҳисобвараққа ўтказилган ёки мижозлар томонидан талаб қилиб олинган кредитларнинг, улар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳам ҳисобга олган ҳолдаги суммалари акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

29896-Бошқа мажбуриятлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида кўрсатилган туркум таърифларига мос тушмайдиган операциялар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

30000 КАПИТАЛ

30300 ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН УСТАВ КАПИТАЛИ

30305-Шаклланган устав капитали

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг мажбуриятларини таъминлаш учун ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган устав капиталининг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида устав капиталини шакллантириш учун ўтказилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди устав капиталидан маълум мақсадлар учун сарфланган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

30900 ЗАХИРА КАПИТАЛИ

30903 Умумий захира фонди

Ҳисобварақнинг таърифи: ўрнатилган тартибга мувофиқ умумий мақсадлар учун банкнинг фойдаси ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида умумий захира фондига ўтказилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди умумий захира фондидан маълум мақсадлар учун сарфланган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

30905-Текинга олинган мол-мулклар

Ҳисобварақнинг таърифи: текинга олинган мол-мулклар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида текинга олинган мол-мулклар қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди текинга олинган мол-мулк-

13

ларнинг ҳисобдан чиқарилган қиймати акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

30906-Девальвация учун захира

Ҳисобрақамларнинг таърифи: миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун, чет эл валюталарини, шунингдек дунё бозорида олтин нархининг ўзгариши бўйича қайта баҳолаш натижасида олинган фарқ сумма ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида чет эл валюталарини ва олтин захираларини қайта баҳолаш натижасида олинган ижобий фарқ сумма акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида захира ҳисобидан амалга оширилган тўловлар ва чет эл валюталарини ва олтин захираларини қайта баҳолаш натижасида олинган салбий фарқ сумма акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

30907-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар(актив-пассив)

Ҳисобварақнинг таърифи: сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициянинг ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида вужудга келадиган фойда ёки зарарлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида инвестицияларнинг ҳақиқий қийматини ўсган суммаси, шунингдек улар ҳисобдан чиқарилганда, қайта таснифланганда ва/ёки қадрсизланганда ушбу ҳисобварақнинг дебетида олдин акс эттирилган зарарларни ҳисобдан чиқариш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида инвестицияларнинг ҳақиқий қийматини камайган суммаси, шунингдек улар ҳисобдан чиқарилганда, қайта таснифланганда ва/ёки қадрсизланганда ушбу ҳисобварақнинг кредитида олдин акс эттирилган фойдани ҳисобдан чиқариш суммаси акс эттирилади.

- **Таҳлилий ҳисоб** қимматли қоғозлар тури ва муддатлари ҳамда эмитентлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

30908-Асосий воситалар ва номоддий активларнинг бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш натижасида қийматининг ошган суммаси

- **Ҳисобварақнинг мақсади:** банкнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бозор қийматининг сезиларли ўсиши натижасида бошланғич қийматига нисбатан қийматининг ошган миқдори ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг асосий воситалари ва номоддий активлари қийматининг баланс қийматига нисбатан ошган миқдори акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида баҳоланаётган асосий восита ва номоддий актив сотилганда ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилганда, улар қийматининг ошган миқдори, шунингдек, банкнинг асосий воситаси ва номоддий активи қийматининг баланс қийматига нисбатан пасайиб кетиши ва ўрнатилган тартибга мувофиқ, тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир баҳоланган асосий восита ва номоддий актив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

31100 ИЖТИМОЙ МАҚСАДЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ФОНД

31101- Ижтимоий мақсадларга мўлжалланган Фонд

Ҳисобрақамнинг таърифи: банк фойдаси ҳисобидан белгиланган тартибда ажратилган маблағлар ҳисобига ташкил этилган фонд бўлиб, банк ходимларига кўрсатиладиган моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий мақсадлар учун мўлжалланган маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобрақамнинг кредитида ушбу ҳисобрақамга ўтказилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобрақамнинг дебетида ушбу ҳисобрақамдан олинган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

31200 ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА

31203 Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг ўтган молиявий фаолияти давомида олган тақсимланмаган фойдаси(зарари)нинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг тақсимланмаган фойдасининг суммаси, ҳамда ўрнатилган тартибда тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳар хил фондлар учун аж-

ратмалар, банк томондан кўрилган зарарларни, ҳамда банк балансидан ҳисобдан чиқариладиган суммалар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

31206 Йиллик соф фойда (зарар) (актив-пассив)

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобот йилида банк молиявий фаолияти давомида олинган соф фойда(зарар)ларнинг суммаси ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобот йилида банк томонидан кўрилган зарарлар, 31203 "Тақсимланмаган фойда" ҳисобварағига ўтказилган фойда суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

40000 ДАРОМАДЛАР

40300 НОРЕЗИДЕНТ БАНКЛАРДАГИ МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР

40301-Норезидент банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар

Ҳисобварақнинг таърифи: норезидент банклардаги, шу жумладан бошқа Марказий банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида норезидент банклардаги, шу жумладан бошқа Марказий банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида норезидент банклардаги, шу жумладан бошқа Марказий банклардаги маблағлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади

40500 РЕЗИДЕНТ БАНКЛАРДАГИ МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР

40501-Резидент банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар

Ҳисобварақнинг таърифи: резидент банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида резидент банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида резидент банклардаги маблағлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади

40600 ОЛДИ-СОТДИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР

40601-Давлат хазина векселлари бўйича фоизли даромадлар

40605-Давлат облигациялари бўйича фоизли даромадлар

40613-Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар

40617-Еврооблигациялар бўйича фоизли даромадлар

40694-Бошқа қарз қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштириб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг олди-сотди қимматли қоғозлари (давлатнинг хазина векселлари (давлатнинг қисқа муддатли мажбуриятлари), давлатнинг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари, корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари, еврооблигациялар ва хорижий эмитентларнинг қарз қимматли қоғозларини кўшган ҳолда бошқа қарз қимматли қоғозлар) бўйича фоизли даромадлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ишлаб топилган фоизлар суммаси, шунингдек, олди-сотди қимматли қоғозларнинг дисконти бўйича амортизация қилинган сумма акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри ҳисобланган ва/ёки олинган даромадларнинг қайтариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банкнинг молиявий натижаси сифатида 31206- «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар ва мукофотнинг амортизация қилинган суммаси акс эттирилади.

40700 ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАРДАГИ МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР

40701-Халқаро молиявий институтлардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар

Ҳисобварақнинг таърифи: халқаро молиявий инсти-

тутлардаги маблағлар бўйича фоизли даромадларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида халқаро молиявий институтлардаги маблағлар бўйича фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида халқаро молиявий институтлардаги маблағлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

40800-ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР

40801-Халқаро андозаларга мос келувчи олтин бўйича фоизли даромадлар

Ҳисобварақ таърифи: Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган халқаро андозаларга мос келувчи олтин бўйича ҳисобланган фоизли даромадларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган халқаро андозаларга мос келувчи олтин бўйича ҳисобланган фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган халқаро андозаларга мос келувчи олтин бўйича ҳисобланган ҳамда 31206 - Йиллик соф фойда (зарар) ҳисобварағига ўтказиладиган фоизли даромадлар, шунингдек, нотўғри ҳисобланган ва ҳисобдан чиқарилган фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

40802-Халқаро андозаларга мос келмайдиган олтин бўйича фоизли даромадлар

Ҳисобварақ таърифи: Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган халқаро андозаларга мос келмайдиган олтин бўйича ҳисобланган фоизли даромадларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган халқаро андозаларга мос келмайдиган олтин бўйича ҳисобланган фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган халқаро андозаларга мос келмайдиган олтин бўйича ҳисобланган ҳамда 31206 - Йиллик соф фойда (зарар) ҳисобварағига ўтказиладиган фоизли даромадлар, шунингдек, нотўғри ҳисобланган ва ҳисобдан чиқарилган фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

40803-Бошқа қимматбаҳо металллар бўйича фоизли даромадлар

Ҳисобварақ таърифи: Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган бошқа қимматбаҳо металллар бўйича ҳисобланган фоизли даромадларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган бошқа қимматбаҳо металллар бўйича ҳисобланган фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк захиралари ҳисобидан форвард, спот ва опцион шартларида сотилган ёки депозитга қўйилган бошқа қимматбаҳо металллар бўйича ҳисобланган ҳамда 31206 - Йиллик соф фойда (зарар) ҳисобварағига ўтказиладиган фоизли даромадлар, шунингдек, нотўғри ҳисобланган ва ҳисобдан чиқарилган фоизли даромадларнинг суммаси акс эттирилади.

40900 СОТИШ УЧУН МАВЖУД ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА ҚИЛИНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР

40901- Давлат хазина векселлари бўйича фоизли даромадлар

40905- Давлат облигациялари бўйича фоизли даромадлар

40913-Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар

Ҳисобварақларнинг таърифи: банк ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ (транспорт, меҳмонхона ва кунлик) харажатлар, банк мулкани кўчириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ҳаракатда бўлган хусусий ва ижарадаги воситалар учун фойдаланиладиган инкассация, автохизмат ва ёқилғи-мойлаш харажатлари, шунингдек хизмат сафарида фойдаланиладиган банк ходимларининг шахсий автомобилларига ўрнатилган тартибда қилинган харажатлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақларнинг дебетида банк ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ (транспорт, меҳмонхона ва кунлик) харажатлар, банк мулкани кўчириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ҳаракатда бўлган хусусий ва ижарадаги воситалар учун фойдаланиладиган инкассация, автохизмат ва ёқилғи-мойлаш харажатлари, шунингдек хизмат сафарида фойдаланиладиган банк ходимларининг шахсий автомобилларига ўрнатилган тартибда қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида банк томонидан нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида юқорида таърифланган ҳисобварақларга мос келмайдиган бошқа банк харажатлари бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56622-Ижарага берилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси

56626-Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси

56630-Омбордаги асосий воситаларнинг эскириш суммаси

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг асосий воситалар ва номоддий активлар учун ҳисобланадиган эскириш харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган эскириш суммасининг қайтарилиши, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206-«Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56700 СУҒУРТА, СОЛИҚ ВА БОШҚА ХАРАЖАТЛАР

56702-Юридик ва аудиторлик хизмати харажатлари

56706-Маслаҳатчи(консалтинг)лар хизмати учун тўлов харажатлари

Ҳисобварақларнинг таърифи: банкнинг юридик ва аудиторлик хизмати ҳамда маслаҳатчилар хизмати учун қилинган харажатлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақларнинг дебетида банкнинг юридик ва аудиторлик хизмати ҳамда маслаҳатчилар хизмати учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида банкнинг юридик ва аудиторлик хизмати ҳамда маслаҳатчилар хизмати учун қилинган харажатлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56710- Суғурта харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: мол-мулк суғуртаси, ёнғинга қарши суғурта ва банкнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бошқа турли суғурталар бўйича харажатлари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида мол-мулк суғуртаси, ёнғинга қарши суғурта ва банкнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бошқа турли суғурталар бўйича харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мол-мулк суғуртаси, ёнғинга қарши суғурта ва банкнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бошқа турли суғурталар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган суғурта суммаси акс эттирилади.

56714- Солиқ (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ тўланган ва ҳисобланган солиқлари ва мажбурий тўловлар бўйича ажратмалари, шунингдек банкнинг лицензиялар учун қилинган харажатлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган солиқлар ва лицензияларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган солиқ ва лицензиялар суммаси акс эттирилади.

56718-Пеня ва жарималар

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг амалдаги қонунчиликка ва қоидаларга асосан пеня ва жарималар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида тўланган пеня ва жарималар сум-

маси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига фойда ҳисобидан қопланган пеня ва жарималар суммаси акс эттирилади.

56722-Суд жараёни/активни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: суд жараёни билан боғлиқ харажатлар, шунингдек банк томонидан сотиб олинган активларни банк номига хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида суд жараёни билан боғлиқ харажатлар, шунингдек банк томонидан сотиб олинган активларни банк номига хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида суд жараёни билан боғлиқ харажатлар, шунингдек банк томонидан сотиб олинган активларни банк номига хусусийлаштириш бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56750-Марказий банк қошидаги ўқув муассасаларини сақлаш харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банк қошидаги ўқув муассасаларини сақлаш мақсадида ажратилган маблағлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк қошидаги ўқув муассасаларини сақлаш мақсадида ажратилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан нотўғри ўтказилган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56752-Марказий банк тасарруфидаги бошқа корхоналарни сақлаш харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банк тасарруфидаги бошқа корхоналарни сақлаш мақсадида ажратилган маблағлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банк бошқа корхоналарни сақлаш мақсадида ажратилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан нотўғри ўтказилган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56795-Бошқа харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган ҳисобварақларга мос келмайдиган бошқа банк харажатлари суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида юқорида таърифланган ҳисобварақларга мос келмайдиган бошқа банк харажатлари суммаси акс эттирилади.

56400 МАЪМУРИЙ ХАРАЖАТЛАР

56402-Реклама ва эълон харажатлари

56406-Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари

56410-Почта, телефон, факс бўйича харажатлар

56414-Хужжат маркалари учун харажатлар

56418-Китоб, журнал, газета ва бошқа даврий нашрлар

бўйича харажатлар

56430-Қатъий назоратдаги ҳисобот бланклари учун харажатлари

Ҳисобварақларнинг таърифи: банкнинг газета, радио, телевидение ва бошқа ахборот воситалари орқали берилган реклама ва эълонлар, девонхона, офис ва бошқа буюмлар, почта, телефон, факс харажатлари, хужжат маркалари, қатъий ҳисобда турадиган бланклар учун, шунингдек китоб, журнал, газета ва бошқа нашриётлар бўйича қилинган харажатлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақларнинг дебетида банкнинг газета, радио, телевидение ва бошқа ахборот воситалари орқали берилган реклама ва эълонлар, девонхона, офис ва бошқа буюмлар, почта, телефон, факс харажатлари, хужжат маркалари, қатъий ҳисобда турадиган бланклар учун, шунингдек китоб, журнал, газета ва бошқа нашриётлар бўйича қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида банкнинг газета, радио, телевидение ва бошқа ахборот воситалари орқали берилган реклама ва эълонлар, девонхона, офис ва бошқа буюмлар, почта, телефон, факс харажатлари, хужжат маркалари, қатъий ҳисобда турадиган бланклар учун, шунингдек китоб, журнал, газета ва бошқа нашриётлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56500 РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ ВА ХАЙРИЯ

56502-Репрезентация ва кўнгил очувчи тадбирлар харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгил очар тадбирлар учун, шунингдек вакиллик харажатлари суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгил очар тадбирлар учун, шунингдек вакиллик харажат-

лари суммаси акс эттирилади.

Хисобварақнинг кредитида банк томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгил очар тадбирлар учун, шунингдек вакиллик харажатлари бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56506-Аъзолик бадаллари

Хисобварақнинг таърифи: банк клублар, ассоциациялар, жамоат ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кирганда тўлайдиган аъзолик бадаллари суммаси ҳисобга олинади.

Хисобварақнинг дебитида банк клублар, ассоциациялар, жамоат ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кирганда тўлаган аъзолик бадаллари суммаси акс эттирилади.

Хисобварақнинг кредитида банк клублар, ассоциациялар, жамоат ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кирганда тўлаган аъзолик бадаллари бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56510-Хайр-эҳсон ва хайрия харажатлари

Хисобварақнинг таърифи: банкнинг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғулланмайдиган хайрия ташкилотларига шунингдек, табиий офатдан талофат кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсон суммалари ҳисобга олинади.

Хисобварақнинг дебитида банкнинг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғулланмайдиган хайрия ташкилотларига шунингдек, табиий офатдан талофат кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсон суммалари акс эттирилади.

Хисобварақнинг кредитида банкнинг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғулланмайдиган хайрия ташкилотларига шунингдек, табиий офатдан талофат кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсонлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек 31206 "Йиллик соф фойда (зарар)" ҳисобварағига ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

56600 ЭСКИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

56602-Банк бинноси ва бошқа иморатларнинг эскириш суммаси

56610-Транспорт воситаларининг эскириш суммаси

56614-Мебел ва жиҳозларнинг эскириш суммаси

56616-Тўлов карточалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналарининг эскириш суммаси

56618-Номоддий активларнинг эскириш суммаси

56800 КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ

56802-Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56804-Қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56806-Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56808-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56810-Қимматбаҳо металллар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56822-Импорт билан боғлиқ ва маҳаллий вексел операциялари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56824-РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56826-Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестиция бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56828-Қарам хўжалик жамиятларига ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар бўйича зарарларни баҳолаш

56830-Асосий воситалар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56832-Номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56834-Банкнинг бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56840-Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56842-Суд жараёнидаги кредит ва қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56895-Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Хисобварақнинг таърифи: банкнинг активлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш ҳисоби олиб борилади.

Хисобварақнинг дебитида банкнинг активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси акс эттирилади.

Хисобварақнинг кредитида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашнинг қайтариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисоб

бот йилининг охирида банк молиявий натижаси сифатида 31206-«Соф фойда (зарар) (актив-пассив) ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

90000 КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР

90100 ВАЛЮТА

90101 Банкнотларни босмадан чиқариш бўйича буюртмалар

90102 Тангаларни зарб этиш бўйича буюртмалар

Хисобварақларнинг таърифи: "Давлат белгиси" ДИЧБда банкнотларни босмадан чиқариш ва тангаларни зарб қилиш бўйича Марказий банкнинг тегишли буюртмаларининг ҳисоби олиб борилади.

Хисобварақларнинг дебитида "Давлат белгиси" ДИЧБда банкнотларни босмадан чиқариш ва тангаларни зарб қилиш бўйича юборилган Марказий банкнинг тегишли буюртмаларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96301- Банкнотлар ва тангаларни босмадан чиқариш (зарб этиш) бўйича буюртмалар контр-ҳисобварағи кредитланади.

Хисобварақларнинг кредитида "Давлат белгиси" ДИЧБ омборхонасига ўрнатилган тартибда кирим қилиш учун Марказий банкнинг тегишли буюртмаларига асосан "Давлат белгиси" ДИЧБда босмадан чиқарилган банкнотлар ва зарб қилинган тангаларнинг ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96301- Банкнотлар ва тангаларни босмадан чиқариш (зарб этиш) бўйича буюртмалар контр-ҳисобварағи дебетланади.

90103-Муомалага чиқарилмаган нақд банкнотларнинг назорат ҳисобварағи

90110-Муомалага чиқарилмаган нақд тангаларнинг назорат ҳисобварағи.

Хисобварақларнинг таърифи: Марказий банкнинг тегишли буюртмаларига асосан "Давлат белгиси" ДИЧБда босмадан чиқарилган (зарб қилинган) ҳамда "Давлат белгиси" ДИЧБ омборхонасига кирим қилинган банкнотлар ва тангаларнинг купюралари ҳисоби юритилади.

Хисобварақларнинг дебитида тегишли буюртмаларга асосан "Давлат белгиси" ДИЧБда босмадан чиқарилган (зарб қилинган) банкнотлар ва тангаларнинг "Давлат белгиси" ДИЧБ омборхонасига ўрнатилган тартибда кирим қилинган суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303-Нақд банкнот ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

Хисобварақларнинг кредитида Марказий банкнинг тегишли хизмат фармойишига асосан "Давлат белгиси" ДИЧБ омборхонасидан Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларининг Ҳисоб-китоб касса марказларига жўнатиш учун ҳисобдан чиқарилган банкнотлар ва тангаларнинг купюралари суммаси (номинал қиймати) акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303- Нақд банкнот ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

90117-ҲККМ захира фондидаги муомалага чиқарилмаган нақд банкнотлар

90124-ҲККМ захира фондидаги муомалага чиқарилмаган нақд тангалар

Хисобварақларнинг таърифи: Марказий банкнинг хизмат фармойишига асосан "Давлат белгиси" ДИЧБ омборхонасидан Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказларининг Захира фондига келиб тушган муомалага чиқарилмаган, шунингдек қонунчиликда ўрнатилган тартибда муомаладан қайтариб олинган банкнот ва тангаларнинг ҳисоби юритилади.

Хисобварақларнинг дебитида "Давлат белгиси" ДИЧБ омборхонасидан Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларининг Ҳисоб-китоб касса марказларига келиб тушган муомалага чиқарилмаган, шунингдек қонунчиликда ўрнатилган тартибда муомаладан қайтариб олинган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303- Нақд банкнот ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

Хисобварақларнинг кредитида Марказий банкнинг хизмат фармойишига асосан Ҳисоб-китоб касса марказларининг Захира фондидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда муомалага чиқарилган ва жўнатиш банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303- Нақд банкнот ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

90127-ҲККМ захира фондидаги расмий эълон қилинмаган янги намуналардаги нақд банкнотлар

90129-ҲККМ захира фондидаги расмий эълон қилинмаган янги намуналардаги нақд тангалар

Хисобварақларнинг таърифи: Янги намуналардаги банкнот ва тангаларнинг намуна ва дизайнлари қонунда белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг, уларнинг муомалага чиқарилиши ва тавсифи тўғрисидаги Марказий банк ахбороти оммавий ахборот воситаларида эълон қилингунча, Марказий банкнинг хизмат фармойишига асосан "Давлат белгиси" ДИЧБ омборхонасидан Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказларининг Захира фондига сақлаш учун қабул қилинган, лекин муомалага чиқарилмаган янги намунадаги банкнот ва тангаларнинг ҳисоби юритилади.

(Давоми бор).

"Т У Р О Н Б А Н К"

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Рўйхатга олиш рақами: № 26 1995 йил 24 июл.
Манзил: 700000, Тошкент ш., Амир Темур кўч., 1-тор кўча, 6.

ЎИФМА БАЛАНС ХИСОБОТИ

2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига (МИНГ СЎМ).

№	МОДДАЛАР	2005 йил	2004 йил
АКТИВЛАР			
010	Нақд пуллар	2 880 080	1 228 931
020	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олинган керак бўлган пуллар	7 216 602	4 215 923
030	Бошқа банклардан олинган керак бўлган пуллар	1 041 621	1 645 135
040	Олиш ва сотиш учун қимматли қоғозлар - савдо қоғозлари	35 862	293 362
041	- носавдо қоғозлар	0	0
050	Ҳосила молиявий воситалар	0	0
060	Сотиш учун мавжуд бўлган нақд инвестициялар	50 560	74 002
061	- Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестициялар	143 922	507 432
070	Тескари РЕПО	0	0
080	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар:	28 920 441	18 460 484
081	Минус: эҳтимоллий зарарлар бўйича захиралар	-2 238 298	-1 644 811
082	Соф кредитлар ва бўнақлар	26 682 143	16 815 672
100	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар		
101	Қўшма корхоналарга инвестициялар		
110	Гудвилл		
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	4 683 704	3 611 421
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	240 799	35 968
140	Бошқа ўз мулк	97 419	27 800
150	Солиқ талаблари	49 615	
160	Бошқа активлар	4 135 042	1 761 286
ЖАМИ АКТИВЛАР			
МАЖБУРИЯТЛАР			
Депозитлар			
181	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	26 240 024	12 002 809
182	Жамғарма депозитлар	2 055 862	698 251
183	Муддатли депозитлар	6 676 308	6 145 890
184	Депозит сертификатлар	0	14
185	Ҳукумат ҳисобварақлари	74 378	31 346
190	Ҳамма депозитлар	35 046 572	18 878 310
200	Марказий банкга тўланиши керак бўлган маблағлар	19 311	21 942
210	Ҳукуматга тўланиши керак бўлган маблағлар	0	7 548
220	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган маблағлар	4 449 606	4 418 450
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлар	2 996 435	2 393 162
240	Ҳосила молиявий воситалар	0	0
250	Солиқ мажбуриятлари	0	39 070
260	Бошқа мажбуриятлар	326 996	370 671
270	Чикарилган қарз қимматли қоғозлар	0	
280	Ҳамма мажбуриятлар	42 838 920	26 129 153
Ўз сармояси			
300	Оддий акциялар	3 751 713	3 128 913
310	Имтиёзли акциялар	171 609	171 609
320	Акциядорлардан сотиб олинган ўз акциялари	0	0
330	Жами акциядорлик сармояси	3 923 322	3 300 522
340	Қайта баҳолаш захиралари		
350	Таксимланмаган фойда (тўпланиб қолган тақчиллик)	495 127	787 256
360	Жами ўз сармояси	4 418 449	4 087 778
370	ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ЎЗ САРМОЯСИ	47 257 369	30 216 931

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ХИСОБОТ

2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига (МИНГ СЎМ).

№	МОДДАЛАР	2005 йил	2004 йил
Фойз даромади			
011	Кредитлар бўйича фойз даромади	3 805 945	3 313 253
012	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фойз даромади	131 826	193 385
013	Олиш ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фойз даромади - савдо қоғозлари	0	0
015	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар бўйича фойз даромади	0	0
016	Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестициялар бўйича фойз даромади	27 116	121 555
017	Тескари РЕПО битимлари бўйича фойз даромади	0	0
018	Молиявий ижара бўйича фойз даромади	106 812	13 112
019	Бошқа фойз даромадлари	0	834
020	Жами фойз даромадлари	4 071 699	3 642 139
Фойз харажатлари			
031	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фойз харажатлари	(11 922)	(10 599)
032	Жамғарма депозитлар бўйича фойз харажатлари	(116 292)	(93 370)
033	Муддатли депозитлар бўйича фойз харажатлари	(898 724)	(1 258 979)
034	Депозит сертификатлар бўйича фойз харажатлари	(11 643)	(385)

035	Ҳукумат ҳисобварақлари бўйича фойз харажатлари	(8 190)	(7 969)
036	ЎзР МБга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фойз харажатлари	0	0
037	Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фойз харажатлари	(410 521)	(166 075)
038	Бошқа қарз маблағлар бўйича фойз харажатлари	(96 879)	(100 884)
039	Чикарилган қарз қимматли қоғозлар бўйича фойз харажатлари	0	0
040	РЕПО битимлари бўйича фойз харажатлари	0	0
041	Бошқа фойз харажатлари	(245)	0
050	Жами фойз харажатлари	(1 554 416)	(1 638 259)
060	Соф фойз даромади	2 517 283	2 003 880
070	Кредитлар бўйича эҳтимоллий зарарлар захирасини баҳолаш	(787 982)	(498 921)
080	Захира баҳолаш чикариб ташланганидан кейинги соф фойз даромади	1 729 301	1 504 959
Фойзсиз даромад			
091	Воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тўлашдан олинган даромад	3 459 634	2 833 258
092	Воситачилик ҳақлари тўлаш бўйича харажатлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш	(426 316)	(376 791)
093	Савдо операцияларидан кўрилган фойда (зарар)	0	0
094	Валюта операцияларидан кўрилган фойда (зарар)	267 416	226 750
095	Дивидендлар шаклидаги даромад	44 532	57 105
096	Инвестициялардан кўрилган фойда (зарар)	(15 491)	29 096
097	Қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарнинг фойдаси (зарари)	0	0
098	Соф пул моддалари бўйича фойда (зарар)	(56 005)	(34 786)
099	Бошқа операция даромадлари (харажатлари)	134 837	55 017
100	Жами фойзсиз даромад	3 408 607	2 789 648
Операция харажатлари			
111	Ходимларга тўланган иш ҳақи ва бошқа харажатлар	(2 045 495)	(1 794 859)
112	Ижара ва саклаб туриш харажатлари	(462 768)	(362 310)
113	Транспорт ва хизмат сафари харажатлари	(129 181)	(84 088)
114	Маъмурий харажатлар	(343 646)	(276 216)
115	Асосий воситаларнинг эскириши	(439 078)	(402 218)
117	Сугурталаш харажатлари, солиқлар ва бошқа тўловлар	(1 064 566)	(448 007)
118	Эҳтимоллий зарарлар учун захира баҳолаш	(239 330)	(456 662)
119	Бошқа операция харажатлари	(83 763)	(88 195)
120	Жами операция харажатлари	(4 807 827)	(3 912 557)
130	Даромад (фойда) солиғи тўланишидан олдинги соф фойда	330 081	382 050
140	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	(211 407)	(139 258)
150	Соф фойда (зарар)	118 674	242 792
160	Бир акцияга тўғри келадиган базавий фойда		
170	Қўшимча акциялар чикарилганидан кейин бир акцияга тўғри келган фойда		

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ХИСОБОТ

2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига (МИНГ СЎМ).

№	МОДДАЛАР	2005 йил	2004 йил
Операция фаолиятдан келган пул оқимлари			
020	Даромад (фойда) солиғи чегириб ташланишидан олдинги соф фойда (зарар)	386 086	416 837
030	Соф фойдани операция фаолияти натижасидаги соф пул оқимлари билан таққослаш учун тузатиш киритиш		
040	Эскириш	439 078	403 674
050	Кредитлар бўйича эҳтимоллий зарарларни баҳолаш	803 552	623 789
060	Бошқа активлар бўйича эҳтимоллий зарарларни баҳолаш	239 330	315 329
070	Инвестиция фаолиятдан амалга ошган (фойда)/зарарлар	(15570)	16 465
080	Савдо қимматли қоғозларидан амалга ошмаган (фойда)/зарарлар		
090	Мукофотлар ва дисконтларнинг соф амортизацияси	19 661	(68 473)
100	Бошқа амалга ошмаган (фойдалар)/зарарлар		
120	Инфляциянинг операция фаолиятига таъсири		
130	Операция активларидаги ўзгаришлардан олдинги фойда/зарарлар	1872137	1707621
140	Активларнинг (кўпайиши)/камайиши	(14883152)	(6431682)
141	Марказий банкнинг мажбурий захираси бўйича соф (кўпайиш)/камайиш	(1725070)	74952
142	Савдо қимматли қоғозлар		
143	Кредитлар	(11221521)	(4754263)
144	Олишга ҳисобланган даромадлар	19 661	(68 473)
145	Бошқа активлар	(1956222)	(1683898)
150	Мажбуриятларнинг кўпайиши/(камайиши)	16424809	1345755
151	Депозитлар	16 161 443	(2297843)
152	ЎзР МБ ва ҳукуматга тўланадиган пуллар		
153	Бошқа банкларга тўланадиган пуллар	5101	224130
154	Ҳосила воситалар		
155	Тўлашга ҳисобланган мажбуриятлар		
156	Бошқа мажбуриятлар	558 357	3 662 391
160	Тўланган даромад (фойда) солиғи	(300092)	(242923)
170	Операция фаолиятдан келган соф пул маблағлари	3113702	(3621229)
Инвестиция фаолиятдан келган пул оқимлари			
190	Молиявий ижара бўйича тушумлар		
200	Қимматли қоғозларни сотиб олиш, операция фаолияти деб ҳисобланадиганлардан ташқари		

"ТУРОНБАНК" АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

210	Қимматли қоғозларни сотиш, операция фаолияти деб ҳисобланадиганлардан ташқари		
220	Сотиб олинган пул маблағларини чегириб ташлаганда, шўба корхоналар, қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарни сотиб олиш		
230	Чикиб кетган пул маблағларини чегириб ташлаганда, шўба корхоналар, қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарнинг чикиб кетиши		
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш	(2154009)	(1589950)
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиш	368198	289065
260	Инфляциянинг инвестиция фаолиятига таъсири		
270	Инвестиция фаолиятидан келган соф пул маблағлари	(1785811)	(1300885)
	Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари		
290	Қарзга олинган маблағлар ва қарз қимматли қоғозлардан тушумлар		
300	Қарзга олинган маблағлар ва қарз қимматли қоғозлар бўйича тўловлар		
310	Молиявий ижара бўйича тўловлар		
320	Акциялар чиқариш	577755	0
330	Акцияларни бекор қилиш		
340	Ўз акцияларини сотиб олиш		
350	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиш		
360	Пул билан дивидендлар тўлаш	(365758)	357012
370	Инфляциянинг молиявий фаолиятга таъсири	(100589)	(166121)
380	Молиявий фаолиятдан келган соф пул маблағлари	111408	190891
390	Валюта курси ўзгаришининг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири		
400	Инфляциянинг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири		
410	Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг соф кўпайиши (камайиши)	2758763	(3239447)
420	Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	3048041	3296664
430	Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	5974799	3048041

АКЦИЯДОРЛИК САРМОЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ЙИФМА ҲИСОБОТ 2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

Моддалар	Устав сармояс	Таксимлан-маган фойда	Жами ўз сармояс
2003 йилнинг 31 декабрига	3 300 522	901 475	4 201 997
Устав сармоясининг кўпайиши	-	-	-
Тўланган дивидендлар	-	(357 012)	(357 012)
Бир йиллик соф фойда	-	242 793	242 793
2004 йилнинг 31 декабрига	3 300 522	787 256	4 087 778
Устав сармоясининг кўпайиши	577 755	-	577 755
Капиталлаштирилган дивидендлар	45 045	(45 045)	-
Тўланган дивидендлар	-	(365 758)	(365 758)
Бир йиллик соф фойда	-	118 674	118 674
2005 йилнинг 31 декабрига	3 923 322	495 127	4 418 449

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "Делойт и Туш" аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2003 йил 12 мартдаги 8-рақамли лицензияси) ва барча муҳим жиҳатлари бўйича Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот 2005 йил 31 декабр ҳолатига банк ҳисоботининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Тижорат банкларининг активларини бошқаришда ва уларнинг даромадлигини оширишда мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун республика Марказий банки томонидан бир неча йўриқ-номалар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Қолаверса, уларнинг ечилишида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини янада ривожлантириш ҳамда актив операцияларнинг янги турларини кенг татбиқ қилиш катта аҳамиятга эга.

Шундай экан, республикамиз тижорат банклари ликвидлигини бошқаришда уларнинг самарасини ошириш, активларнинг даромадлигини кўпайтириш ва тақдим этилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ва ривожлантиришга оид бир қатор тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажминини ошириш зарур.

Фоизли даромадлар салмоғини ошириш учун, фикримизча, банкларнинг қимматли қоғозлари билан боғлиқ тижорат операцияларини ривожлантириш лозим. Ана шундай қимматли қоғозлардан бири Ўзбекистон корхоналари чиқараётган акция ва облигациялардир. Бу банкларга фоиз ҳисобида даромад келтириши билан бирга, корхоналарни бошқариш ҳуқуқини ҳам тақдим этади. Оқибатда, банк рисклари анча қисқаради. Иккинчидан, республикамиз тижорат банкларининг халқаро фонд биржаларидаги операцияларини ривожлантириш уларнинг фоизли даромадларини ошириш усулларида яна бири ҳисобланади. Бунинг учун, ҳар бир тижорат банкларида алоҳида ходимлар тайёрланиши мақсадга мувофиқдир (масалан, 2-3 та ходим чет элда тажриба орттириши ва биржалардаги савдоларда бевосита иштирок этиши талаб қилинади).

Фоизли даромадлар самарадорлигини оширишнинг яна бир йўли бу ссудаларнинг банк активлари таркибидagi салмоғини оширишдир. Бунда кредитлаштириш шаклларида кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш жуда катта аҳамият касб этади.

Тижорат банкларининг истеъмол кредити, ипотека кредити, лизинг ва кредит пластик карточаларидан фойдаланиш халқаро банк амалиётида кенг тарқалган ва тижорат банкларига юқори даромад келтирувчи операци-

БОШ МАҚСАДИМИЗ – АКТИВЛАРНИНГ ДАРОМАДЛИЛИгини ОШИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб ҳукуматимиз банк тизимини ислоҳ қилишга оид ниҳоятда долзарб бўлган қарор ва фармойишлар қабул қилди. Бу борада банк соҳасини ривожлантирмай туриб иқтисодийни ривожлантириб бўлмаслиги тўғрисида давлатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда ўринлидир:

«Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериш, банкларнинг ўз активларини ва устав фондини кўпайтириш, сармоялаш имкониятларини ошириш муаммоларига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, банк капитали орқасида ўз активларининг кўпайишидан манфаатдор бўлган ҳақиқий мулкдорлар туриши, айниқса, улкан аҳамиятга эга.»

ялар ҳисобланади. Кредитлашнинг бундай шаклларида фойдаланилаётганда уларни бизнинг ҳозирги иқтисодий ҳолатга (шароитга) мослаштириш керак бўлади.

В. Тижорат банкларининг актив операциялар самарадорлигини ошириш мақсадида валюта операцияларини янада ривожлантириш зарур.

Ҳозирги кунда республикамиз тижорат банклари халқаро валюта бозорларида фақатгина пассив иштирокчи сифатида қатнашмоқдалар (ўз миқозларига керак бўлган суммада ва вақтда). Бизнинг фикримизча, банкларнинг валюта бозорларида актив иштирокчи сифатида қатнашиши (банк ўзи даромад олиши учун валюта бозорларида иштирок этиши) тижорат банкларига яхшигина даромад келтиради. Бундай операциялардан фойдаланилмаётганлигининг сабаби риск даражаси юқори ва юқори малакали, шу соҳанинг профессионал ходимлари йўқлигида, деб биламиз. Аммо юқори рискнинг олдини олишда бир валютада эмас, турли хилдаги валюталарни спот шарт бўйича сотиб олиш ва сотиш операцияларини ривожлантириш лозим. Бунинг натижасида банкларнинг спред шаклидаги даромади ошади ва риск даражаси камаёди. Жаҳон банк амалиётига назар соладиган бўлсак, ривожланган давлатлардаги тижорат банкларида даромаднинг каттагина қисми худди шундай амалиётлардан қўлга киритилади. Бу амалиётнинг аф-

заллик томони шундаки, бундай операциялар энг кам харажатли ва энг кўп даромад келтирувчи операциялар ҳисобланади.

Профессионал ходимлар тайёрлаш масаласи эса юқорида халқаро фонд биржаларида қимматли қоғозлар билан операциялар олиб боришдаги услуб асосида хал қилинади.

С. Республика банк тизимида «Банкэшуренс» хизматидан фойдаланиш учун қонунчиликка баъзи ўзгаришлар киритиш лозим.

Ҳозирги кунда суғурта бизнесининг янги хизмат тури сифатида банкэшуренс ривожлантириш Фарбий Европа банклари стратегиясининг асосий элементларидан бири бўлиб қолган. Банкэшуренс – бу суғурта бизнеси маҳсулотларини банклар орқали етказиб бериш, сотиш.

Банкэшуренсда йирик банклар суғурта компаниялар акцияларининг кўпчилик қисмини сотиб олишади ёки суғурта компаниялар билан қўшилишади. Миқозларга эса суғурта маҳсулотлари худди шу банклар орқали етказиб берилади. Бу миқозларнинг ортиқча харажатларини қисқартиради ва бир вақтнинг ўзида банк кредитини суғурталанган ҳолида олишади (чет элда аҳолининг ўзи барча фаолиятини ихтиёрий ҳолда суғурталайди). Банклар, бу фаолиятнинг риск даражаси юқори бўлишига қарамасдан, ўз ресурс базасини кўпайтиради ва шунга параллел равишда ундан актив операцияларда

фойдаланиб даромадлилик даражасини оширади.

Ўзбекистон банк тизимида бундай фаолият кузатилмайди. Чунки, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда банклар савдо, суғурта ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари учун ўрнатилган нормативларида белгилаб қўйилганидек, банклар ҳар қандай хўжалик юритувчиларнинг (фирма, компания ва бошқалар) 25 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиши мумкин эмас. Ўзбекистонда тижорат банклари актив операциялар самарадорлигини ошириш ва хизматлар турларини кенгайтириш мақсадида худди шу хизмат туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги кунда кўпгина ривожланган банкларда бу хизмат туридан кенг фойдаланиб, юқори даромад олинмоқда. Шундай экан, бу хизмат турини бизнинг банк тизимида жорий этиш ижобий натижаларга олиб келади.

Чакана хизматлар ривожланиши Европа банкларидан ташқарида ҳам, хусусан Хитойда жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан ҳозирда, Хитой банкларида ҳар йили ипотека кредитларидан олинган даромадлар 20 фоизга, автокредитлардан 25 фоизга, кредит карточаларидан 54 фоизга ва бошқа истеъмол кредитларидан олинган даромадлар 26 фоизга ўсиб бориши кузатилмоқда. Бу тенденция 2013 йилга қадар шундай суръатда бориши режалаштирилган. Хитой банкларида банкэшуренс хизматидан олинган даромадлар ўсиши йилига 25 фоизни ташкил қилиб турган бир пайтда, уни 2 йил ичида 54 фоизгача етказиш бош мақсад қилиб қўйилган. Хитойда тижорат банкларининг қонунда банкларнинг универсал хизматлар кўрсатиши тақиқлаб қўйилган бўлса-да, банкэшуренс юқори даромад келтирувчи омил бўлгани учун ва бу иқтисодий ривожланишига ўз хиссасини қўшади деган мақсадда ҳукумат томонидан расмий равишда рухсат берилган.

**Алишер ҲАСАНОВ,
АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»
Ракат филиали Фронт офис
Бўлими бош мутахассиси,
БМА тингловчиси.**

"ПАХТА БАНК"ДА БОЛАЛАР БАЙРАМИ

"Пахта Банк"да касабая уюшмаси ва хотин-қизлар кўмитаси ташаббускорлигида 1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган "Болалигим - пошшоллигим" анъанавий болалар байрами ташкил этилди. Байрамга одатдагидек, банк ходимларининг 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган фарзандлари таклиф қилинди.

Байрам арафасида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат Дастури доирасида "Соғлигимиз-бойлигимиз" мавзусида ҳамда кичик ёшлилар ўртасида эркин мавзуда расм чизиш мусобақалари ўтказилди, бундан ташқари, болалар шашка ўйини бўйича ҳам куч синашдилар.

Ушбу мусобақаларга 1 июн куни болалар байрамида яқун ясашиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Байрам куни болалар иштирокида концерт дастури тайёрланди, бунда болалар ўрганган Ватан тўғрисида, бахтли болалик ҳақидаги шўх-шодон куй ва қўшиқлар, шеърлар янгради, рақс танловида эса бир-биридан гўзал рақслар ижро этилди.

"Пахта Банк"
тренинг маркази.

"ИМКОН" КРЕДИТ УЮШМАСИ

Рўйхатга олиш рақами: № 19 2005 йил 14 март.
Манзил: Тошкент ш., Моварраунахр кўч., 33.

БАЛАНС ХИСОБОТИ 2005 йил 31 декабр ҳолатига

(минг сўм)

П.	АКТИВЛАР	615 328
1.	Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	19 427
2.	Банклардан олинган маблағлар	2 950
3.	Қимматли қозғаларни олиш-сотиш ҳисобварақлари	0
4.	Ссудалар	502 083
	а. Брутто ссудалар	539 026
	б. Минус: Ссудалар бўйича эҳтимолӣ зарарлар захираси	36 944
5.	Қимматли қозғаларга инвестициялар	0
	а. Давлат қимматли қозғаларга инвестициялар	0
	б. Бошқа қимматли қозғаларга инвестициялар	0
6.	Асосий воситалар, соф ҳолида	17 167
7.	Олишга ҳисобланган фойзалар	61 754
8.	Ссуда ҳисоб-китоблари чоғида сотиб олинган активлар	7 819
	а. Эгаллик қилинаётган кўчмас мулк	0
	б. Ссуда ҳисоб-китоблари чоғида сотиб олинган бошқа активлар	7 819
	в. Минус: Ссуда ҳисоб-китоблари чоғида сотиб олинган активлар бўйича эҳтимолӣ зарарлар учун захиралар	0
9.	Бошқа активлар	4 129
II.	МАЖБУРИЯТЛАР ВА САРМОЯ	615 328
10.	МАЖБУРИЯТЛАР	521 751
11.	Жамғарма депозитлар	12 050
12.	Муддатли депозитлар	467 909
13.	Тўланадиган ссудалар	5 129
14.	Тўлашга ҳисобланган фойзалар	29 125
15.	Бошқа мажбуриятлар	7 538
16.	Сармоя	93 577
17.	Устав жамғармаси	72 634
18.	Захира фонд	126
19.	Бепул олинган мол-мулк	1 269
20.	Хайрия бадаллари ва грантлар	3 270
21.	Таксимланмаган фойда	3 173
22.	Дастлабки кийматдан ўсишни баҳолаш кийматидаги ортиқчалик	0
23.	Жорий йилдаги соф фойда (зарар)	13 105

2006 йил 1 январ ҳолатига молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ЦИАР "Аудит" аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 4 сентябрдаги 00473-рақамли лицензияси) ва барча муҳим жиҳатлари бўйича Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ХИСОБОТ 2005 йил 31 декабр ҳолатига

(минг сўм)

1.	ФОИЗ ДАРОМАДЛАРИ	215 898
	а. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича фойз даромадлари	563
	б. Қимматли қозғаларни олиш-сотиш ҳисобварақлари бўйича фойз даромадлари	0
	в. Инвестициялар бўйича фойз даромадлари	0
	г. Ссудалар бўйича фойзалар	215 287
	д. Бошқа фойз даромадлари	49
2.	ФОИЗ ХАРАЖАТЛАРИ	119 621
	а. Депозитлар бўйича фойз харажатлари	118 719
	Жамғарма депозитлар бўйича фойз харажатлари	0
	Муддатли депозитлар бўйича фойз харажатлари	118 719
	б. Тўланадиган ссудалар бўйича фойз харажатлари	902
	в. Бошқа фойз харажатлари	0
1.	ССУДАЛАР БЎЙИЧА ЭҲТИМОЛҲИ ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШДАН ОЛДИНГИ СОФ ФОИЗ ДАРОМАДЛАРИ	96 277
3.	МИНУС: ССУДАЛАР БЎЙИЧА ЭҲТИМОЛҲИ ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	36 944
II.	ССУДАЛАР БЎЙИЧА ЭҲТИМОЛҲИ ЗАРАРЛАР БАҲОЛАНГАНИДАН Кейинги соф фойз даромадлари	59 333
4.	ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	0
	а. Воситачилик ҳақлари ва хизмат ҳақидан олинган даромадлар	0
	б. Инвестициялардан олинган фойда	0
	в. Бошқа фойзсиз даромадлар	0
5.	ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	1 968
	а. Воситачилик харажатлари ва хизмат кўрсатиш харажатлари	1 968
	б. Инвестициялардан кўрилган зарарлар	0
	в. Бошқа фойзсиз харажатлар	0
III.	ОПЕРАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИДАН ОЛДИНГИ СОФ ДАРОМАД	57 365
6.	ОПЕРАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ	41 614
	а. Ходимларга берилган иш ҳақи ва бошқа харажатлар	14 205
	б. Ижара ва саклаб туриш харажатлари	9 330
	в. Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	186
	г. Маъмурий харажатлар	9 368
	д. Эскириш харажатлари	1 981
	е. Сўғурта, солиқлар ва бошқа харажатлар	6 544
7.	НОКРЕДИТ ХАРАЖАТЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
IV.	СОЛИҚЛАР ТЎЛАНИШИДАН ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРДАН ОЛДИНГИ СОФ ФОЙДА	15 751
8.	ДАРОМАД СОЛИҒИНИ БАҲОЛАШ	2 646
V.	ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛИШИДАН ОЛДИНГИ ДАРОМАД	13 105
9.	КУТИЛМАГАН ДАРОМАД ЕКИ ЗАРАРЛАР, СОФ ҲОЛИДА	0
10.	ФОЙДАГА БОШҚА ТУЗАТИШЛАР, СОФ ҲОЛИДА	0
VI.	СОФ ФОЙДА (ЗАРАРЛАР)	13 105

ИЖОБИЙ ДИНАМИКА КУЗАТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ресурс базасининг ўсиши актив операцияларининг янада кенгайишига сабаб бўлди. Банкларнинг жалб қилинган маблағлари 29 фойзга ошди. Бу эса ўз навбатида банклар мажбуриятларининг умумий пасивлардаги ҳажмини 84 фойздан 86 фойзга ўсишига олиб келди. Номолиявий сектор депозитлари ва жалб қилинган ссудалар банклар актив операцияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Уларнинг умумий ҳажми банкларнинг умумий мажбуриятларининг 81,7 фойзини ташкил қилмоқда (2005 йил 1-чорада – 83,1 фойз).

Мижозлар депозитлари 45,4 фойзга ўсди. Бу кўп жиҳатдан талаб қилиб олинганча (40,2 фойз) ва муддатли (35,8 фойз) депозитларнинг ўсиши ҳисобига таъминланди. Талаб қилиб олинганча ва муддатли депозитларнинг умумий депозитлардаги салмоғи 62 фойз ва 28,8 фойзни ташкил қилди. Жамғарма депозитлари ҳажми 174,2 фойзга ошди ва уларнинг умумий депозитлардаги салмоғи ҳам 2005 йил биринчи чорадаги 4,9 фойздан жорий йилнинг биринчи чорага яқунлари бўйича 9,2 фойзга ўсди. Тўлов учун қабул қилинган ссудалар 20,6 фойзга, бошқа банклар маблағлари 65 фойзга ўсди.

Банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлган акциядорлик капитали асосан таксимланмаган фойда (56,4 фойз) ва устав капитали (30,1 фойз) ҳисобига шаклланди. Тижорат банкларининг акциядорлик капитали таҳлил қилинаётган давр ичида 17,4 фойзга ўсди. Акциядорлик капитали таркибида устав капитали 9,3 фойз ва таксимланмаган фойда 20,7 фойзга ўсганлиги кузатилади.

Ишончлилик параметрининг ўртача қийма-

ти 2005 йил биринчи чорак яқунлари бўйича 46,11 бални ташкил қилган бўлса, 2006 йилнинг биринчи чорак яқунлари бўйича 46,62 бални ташкил қилди. Ушбу параметрни ҳисоблашда капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати ва ликвидлилик каби кўрсаткичлар инобатга олинди. Ишончлилик кўрсаткичининг ижобий ўзгариши банклар ликвидлиги (46,44 балдан 48,38 балгача) ва капиталнинг етарлилиги (43,34 балдан 43,36 балгача) даражасининг ўсиши ҳисобига эришилди. Ўтган даврда банкларнинг акциядорлик капитали 17,4 фойзга ўсди. Келгуси чоракларда ҳам банклар капитали миқдорининг Марказий банк талабларига биноан ўрнатилган даражага етказиш мақсадида тобора ошishi кузатилади.

Фойз ставкаларининг пасайиш тенденцияси ҳамда банклар даромад манбаларининг диверсификацияланиши, янги хизмат турларининг жорий қилиниши фойзли даромадларнинг даромад келтирувчи активлардаги салмоғини камайишига (18 фойздан 16 фойзгача) олиб келди. Бундан ташқари, ҳисобланган фойзли даромадларнинг даромадли активлардаги салмоғининг 1,9 фойздан 2,0 фойзга ўсиши кузатилади. Натижада активлар сифати кўрсаткичининг даражаси 48,07 бални ташкил қилди (2005 йил 1-чорак яқунлари бўйича – 49,07 балл).

Тижорат банклари умумий соф фойдасининг 37,5 фойзга ўсиши натижасида рентабеллик кўрсаткичи 35,92 балдан 43,85 балгача кўтарилди. Банкларнинг рентабеллик даражаси бўйича рейтингини аниқлашда учта кўрсаткич – устав капитали, акциядорлик капитали ва умумий активлар рентабеллиги инобатга олинди. 2006 йил биринчи чорак яқунлари бўйича рейтингда иштирок этган банклар устав капитали рентабеллиги ўртача 55 фойзни (2005 йил

биринчи чорак яқунлари бўйича 43 фойз), акциядорлик капитали рентабеллиги 20 фойзни (18 фойз), умумий активлар рентабеллиги эса 4 фойзни (4 фойз) ташкил қилди.

Ириқ тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари		
Банклар номи	Якуний рейтинг бади	Гуруҳдаги ўрни
Кредит-Стандарт банки	60,12	1
Пахта Банк	51,24	2
Фалла банк	50,38	3
Ўзсаноатқурилишбанк	50,01	4
АБН АМРО БАНК МБ Ўзбекистон АЖ	48,27	5
Ипотека банк	44,92	6
Ўзтадбиркорбанк	15,73	7

Ўрта тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари		
Банклар номи	Якуний рейтинг бади	Гуруҳдаги ўрни
Алп Жамол банк	47,75	1
ЎзДЭУ банк	35,21	2
Парвина банк	33,08	3
ЎТ Банк	32,98	4
Ипак Йўли банки	30,96	5
Трастбанк	30,61	6
Алоқабанк	28,51	7
Савдогарбанк	24,06	8
Туронбанк	21,16	9

Кичик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари		
Банклар номи	Якуний рейтинг бади	Гуруҳдаги ўрни
Давр банк	53,26	1
Ўқтам банк	25,31	2
Универсалбанк	6,11	3
Туркистон банк	5,47	4

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги «Ахбор-Рейтинг» Банклараро рейтинг компанияси томонидан тайёрланди.

ВАЯ АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Жаҳон иқтисодийети ва
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш «Заковат»
ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перлер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАО,

«Иқтисодийёт ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

134-13-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: bankingnews@tsht.uz

www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "ВА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓜ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-803

Тираж 7238 нусха.

Босишга рухсат этилди

6.06.2006 й.